

## МУНДАРИЖА

### Асосий мақола

Б. Чимеддорж, Л. Амгалан, Б. Бувейбатар  
Мўғулистонда сайгоқнинг замонавий ҳолати ва тарқалиши

1

### Янгиликлар

2

### Илмий мақолалар

Янг Дж. К., Бувейбатар Б., Файн А. Е.,  
Лхагвасурен Б., Бергер Дж. Сайгоқ болаларини  
тутиш ва белги қўйиш

8

Чимеддорж Б. Мўғулистонда сайгоқни сақлаш  
бўйича лойиҳа доирасида хабардорликни  
яхшилаш заруратини баҳолаш

9

О'Нил Х., Манджиев Х., Милнер-Гулланд Э. Дж.  
Инспекция иштиракида шимолий-ғарбий Каспий  
олди сайгоқ популяциясининг мониторинги

10

Уайтбред Э., Обенова Д., Милнер-Гулланд Э. Дж.  
Қалмоғистонда жамоа мониторинги  
имкониятларини баҳолаш

12

Бикова Е. А., Есипов А. В., Черногаев Е. А. Сайгоқ  
Ўзбекистондаги анъанавий кўпайиш жойларига  
қайтармикан?

13

Жатканбаев А. Қозоғистон жанубидаги Арис-  
Қарақтау кўриқхона зонасида сайгоқ учраши

15

Черноок В. И. Сайгоқларни ҳисобга олишда  
иссиқлик авиасъемкаларини қўллаш

15

Санжеев В. «Яшкульский» питомнигида альтернатив  
энергия манбалари

16

### Лойиҳалар шарҳи

Сайгоқни сақлаш Альянснинг 2008 кичик грантлар  
дастури ғолиблари эълон қилинди

17

### Янги нашрлар

18

### Бизнинг институционал аъзоларимиз

19

### Эълонлар

XXIX Биолог-овшунослар Халқаро конгресси  
Москвада ўтади

19

### Сайгоқни сақлаш бўйича ҲМ бажарилиши тўғрисида SCA

CMS Сайгоқни сақлаш бўйича ҲМ бажарилиши  
бўйича 2006 й. сентябрдан 2008 й. октябргача  
ҳисобот

20

## Мўғулистонда сайгоқнинг замонавий ҳолати ва тарқалиши

Б. Чимеддорж<sup>1</sup>, Л. Амгалан<sup>2</sup>, Б. Бувейбатар<sup>2</sup>

<sup>1</sup>WWF-Мўғулистон, <sup>2</sup>Биология институти, МАН, [chimeddorji@wwf.mn](mailto:chimeddorji@wwf.mn)

Мўғул сайгоғи (*Saiga tatarica mongolica*) Мўғулистон эндемики ва Мўғулистон Қизил китобига киритилган (1987) бир неча туёқлилар турининг биридир. Унинг экологияси ва узок муддатли сақлаш муаммолари бир қатор муаллифлар томонидан кўриб чиқилган (Банников, 1954; Eregdenedagva, 1954; Dulamtseren & Amgalan, 1995; Лушчекина ва б., 1999).



Мўғул сайгоғининг боласи.  
Б. Чимеддорж Сурати

2008 йил январда Биология институти WWF-Мўғулистон ва маҳаллий инспекторлар билан биргаликда Мўғулистонда сайгоқ популяциясини баҳолашди. Топографик хариталардан фойдаланган ҳолда, ҳар икки километрдан кейин Шаргин Гоби, Хуйсин Гоби, Дургун водийси ва Манхан саман райони ҳудудини коплайдиган параллел трансекталар қўйилди. *S.t.mongolica* сонини баҳолаш ҳисобга олишни бажараётган мутахассислар олдинги йиллар трансектасини такрорлаган трансектада оддий ҳисобга олиш усули билан амалга оширилди.

Шаргин Гоби, Хуйсин Гоби ва Дургун водийсида сони 1829 бўлган 282 сайгоқ подаси топилди. 282 подадан 62,05 % (n=175) сайгоқлар сони 5тагача бўлган подаларга, 24,1% (n=68) – сони 10тагача бўлган подаларга тўғри келди, қолган подаларда сайгоқлар сони 10тадан кўп эди. Баҳолаш майдони 13000 км<sup>2</sup> бўлган ҳудудда 3240 сайгоқ яшашини кўрсатди (жадвал), бу эса олдинги йилга нисбатан 11,8% га кўп.

Жадвал

Мўғул сайгоқининг сони ва популяция зичлигини баҳолаш

Жойнинг номи	Сони, зот		Зичлик, зот/1000 га	
	январь 2007	январь 2008	январь 2007	январь 2008
Шаргин Гоби	761	1979	2,2	5,9
Хуйсин Гоби	2024	1107	3	1,6
Дургун	60	154	0,3	0,8
Манхан	15	ND	0,3	ND
<b>ЖАМИ</b>	<b>2860</b>	<b>3240</b>	<b>2,3</b>	<b>2,6</b>

ND – маълумотлар йўқ

Давоми 2 - бетда.

**Таҳрир хайъати.** Буюк Британия: Э. Дж. Милнер-Гулланд, Империял Коллеж Лондон ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz)); Хитой: А. Кан ва Л. Ли, WCS Хитой ([vyling@online.sh.cn](mailto:vyling@online.sh.cn) ва [li@wcs.org](mailto:li@wcs.org)); Мўғулистон: Б. Лхагвасурен, Биология институти ([ecolab@magincet.mn](mailto:ecolab@magincet.mn)) ва Е. Онон, WWF-Мўғулистон ([mso-species@wwf.mn](mailto:mso-species@wwf.mn)); Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([rsmabcom@gmail.com](mailto:rsmabcom@gmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикасининг Ёввойи хайвонлар маркази ([kalmisaiga@mail.ru](mailto:kalmisaiga@mail.ru)); Туркменистон: Дж. Сапармуратов, Чўл, ўсимлик ва хайвонот олами Миллий институти ([saparmuradov@mail.ru](mailto:saparmuradov@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова ва А. Есипов, Зоология институти ([esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz)).

Материалларни олти тилнинг бирида юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни қуйидаги манзил бўйича [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади.

Бу нашрни online [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> шунингдек pdf, ёки сўровнома бўйича каттик кўринишда инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.



FRANKFURT  
ZOOLOGICAL  
SOCIETY


Молиявий кўмағида нашр  
этилади:  
Софинансирование:





Давоми(боши1-бетда.)

Сайғоқнинг энг катта зичлиги бу йилги кишда юмшоқ қор мавжудлиги туфайли Шаргин Гобида кузатилди. Сайғоқ сони йилдан-йилга ўзгармоқда (расм). Турли тадқиқотчилар ҳар хил усуллардан фойдаланган бўлса ҳам, сайғоқ популяцияси сонининг ўзгаришида умумий тенденцияни тушуниш мумкин. 1998 йилдан бошлаб сайғоқнинг умумий сони кўпайиб, 2000 йилда максимум 5000 бошга етди.



Расм. Мўғул сайғоғининг популяцион динамикаси

Бирок, (джут деб аталувчи) кучли қорлар билан тез-тез такрорланадиган совуқ кишлар ва қурғоқчилик даврларининг кўпайиши 2001 ва 2002 йилларда сайғоқ сонининг 750тагача қисқаришига олиб келди. 2005 йилга бориб популяция 1500 бошга яқин сонгача тикланди (Амгалан, 2005).

Манхан группировкаси 1982 й. 130 жонивордан 1983-1984 йй. (джут сабабли) 30дан кам зотгача қисқарди, 70га яқин зот – 1993 й. ва 50га яқин – 1998 й. (Shar, 1998). Тадқиқотларимиз сайғоқ сони қисқаришида давом этиб, 2008 й. атиги 15 зотни ташкил қилишини кўрсатди (жадвал).

Бу натижалар Мўғулистонда сайғоқ ҳали ҳам жиддий хавф остидалигини билдиради. Биз мўғул сайғоғи популяциясининг тўлиқ авиа-текширувини ўтказиш зарур, шунингдек ареалнинг барча қисмларида браконьерлик билан курашиш учун шошилиш тарзда молиялаштириш зарур деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, инспекторлар Мўғулистонда сайғоқнинг популяцион динамикасига иқлим таъсирини ўрганиш учун метеорологик маълумот йиғишга жалб қилиниши керак.

Ушбу лойиҳа WWF-Мўғулистоннинг доимий молиявий кўмагида ўтказилади. Кўшимча молиялаштириш МАВА фондидан олинган. Инспекторлар жуда яхши ишлаб, бу тадқиқотни муваффақиятли ўтказишга ёрдам берди. Биз бу инсонлар ҳамда ташкилотларга, айниқса Ховдадаги WWF-Мўғулистон директори жаноб Цевенравданга ёрдам учун миннатдорчилик билдираимиз.

## Янгиликлар

### Saiga News мукофот олди!



20 декабрда Ташкентда Ўзбекистонда Экологик журналистика 7-миллий кўрик-танловига яқун ясалди.

Кўрик-танлов экологик журналистикани ривожлантириш ҳамда атроф муҳитни сақлаш ва табиатдан турғун фойдаланиш масалаларида жамоат хабардорлигини ошириш мақсадида ўтказилади. ЎзР Давтабқўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон ННТ Экофорум ва «Чинор ЭНК» Экологик нашриёт компанияси кўрик-танлов ташкилотчилари бўлди. Экологик тематикага бағишланган 80дан ортиқ иш намойиш этилди: видеофилмлар, телевизион ва радиодастурлар, янгилик сюжетлари, фоторепортажлар, мақола ва экологик нашрлар. «Энг яхши экологик нашр» номинациясида биринчи ўрин Saiga News бюллетенига берилди. Кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари экожурналистика халқаро кўрик-танловларида қатнашиш учун тавсия қилинади.

Батафсилроқ [www.eco.uz](http://www.eco.uz), [www.ecoforum.uz](http://www.ecoforum.uz) да



Бюллетенимиз ғолиб бўлди!

### Алматида сайғоқ бўйича йнгилиш

29-31 октябрда Алмати ш. Сайғоқни сақлаш Альянсининг йнгилиши бўлди. Биринчи кун CMS расмий учрашуви арафасида ўтган сайғоқни сақлаш бўйича CMS ХМ ўрта муддатли халқаро ишчи дастурини бажариш муваффақиятларини баҳолаш бўйича йнгилиши бўлди (дастурни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш мумкин). Дастурнинг ҳар бир бўлими бўйича сайғоқ омон қолиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва 1 ёки 2 йил давомида бажарилиши керак бўлган А1 тоифаси ҳаракатига урғу бериш билан бажарилиш тарққиёти баҳоланди. Янги манфаатдор ташкилотлар бўлганлиги сабабли кўп янги маълумотлар қўшилди. Шундай қилиб, ҳозир бизда нимага эришганлигимиз тўғрисида яхшироқ тушунча шаклланди.

Иккинчи кун «Сайғоқ мониторинги – муваффақиятли тажриба алмашинуви» номи билан илмий йнгилиш ўтди.

Сайғоқ яшайдиган барча мамлакатларнинг олимлари мониторинг бўйича дастурлари, шу жумладан инспекторлар, маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг (жамоа мониторинги), авиаҳисобга олиш, шунингдек спутник ва радио орқали белгилаш тўғрисида ҳикоя қилишди. Бу сайғоқни сақлаш билан шуғулланадиган ҳар бир инсонга турли усулларнинг афзаллиги ва камчиликлари тўғрисида янги маълумот олишга ажойиб имкон берди.

Сўнгги кунда ҳар йилги SCA йнгилиши бўлиб ўтди. Икки йилда Альянс узок йўл ўтди, ва биз жуда кўп нарсаларни муҳокама қилишимиз керак эди! 2007 й. Кичик грантлар Дастурининг Ғолиблари грант олган вақтдан бошлаб эришган ютуқлари тўғрисида сўзлади, 2008 й. ғолибларига грантлар бериш бўйича қарор қабул қилинди (қуйида қар.).



Сайгоқни сақлаш Альянсининг 2-чи йиғилиши иштирокчилари Алматы, 2008 й. октябрь  
А. Есинов сурати



SCA президиуми аъзоларининг йиғилиши.  
А. Есинов сурати

Бошқа масалалар орасида, биз 2009 й. Кичик грантлар дастурини муҳокама қилдик, вебсайт, молиялаштириш манбаларини излаш стратегиясини, Saiga News, маркетинг ва сувенирлар сотиш, Ўзбекистон ҳамда Қалмоғистонда Альянс филиалларининг ишлашини қандай яхшилаш мумкинлиги тўғрисида сўзлашдик, шунингдек WCN Кўргазмаси тўғрисида гапирдик (бу ҳақида батафсилроқ Saiga News нинг шу номерида ўқишингиз мумкин).

Барча иштирок этган ва ўз ишларини намоиш этганларга, шунингдек бу учрашувни уюштирганларга катта раҳмат: CMS, Лондон Қирол Жамияти ҳамда WCNга ҳомийлик ёрдами учун, ҚР ТФВ Зоология институтига самимий кутиб олгани учун.

Қўшимча маълумот олиш учун Элизабет Уайтбрעדга мурожаат қилинг, [elisabeth.whitebread07@imperial.ac.uk](mailto:elisabeth.whitebread07@imperial.ac.uk)

### Ёввойи табиатни сақлаш бўйича Грамоқ Кўргазмаси

#### Элизабет Уайтбрעד

Октябрь бошида Елена Бикова, Анна Лушечкина ва мен Сан-Францискода бўлиб ўтган ҳар йилги WCN (Ёввойи табиатни сақлаш бўйича Грамоқ) кўргазмасида иштирок этдик. Донорлар билан учрашувдан олдин бизда тадбирда қатнашаётган бошқа инсонлар билан танишиш учун ажойиб имкон берган уч кунлик семинар бўлди. Бу ерда Иан Дуглас-Гамильтон, Филларни кутқариш Фонди (Save the Elephants); Лори Маркер, Гепардни сақлаш Фонди (Cheetah Conservation Trust) ва Родни Джексон, Қор қоплонини сақлаш Фонди (Snow Leopard Conservancy) каби табиат муҳофазаси соҳасидаги машҳур инсонлар бўлди. Менга бу ажойиб компанияда сайгоқни намоиш этиш жуда ёқимли бўлди.

Менга семинарлар жуда ёқди – биз Google Earth дастурини ўргандик, бизга GIS дастурининг айрим янги имкониятлари ҳақида тушунча беришди, қандай қилиб яхши директорлар кенгаши сайлаш, ва «оташин нутқ» тайёрлаш, яъни 2 минутдан кам вақтда ўзгаларни лойихангизни молиялаштиришга кўндириш тўғрисида сўзлаб беришди. Табиатни сақлаш бўйича муваффақиятли ишлаш учун ҳисобга олиниши муҳим бўлган, бироқ вақт, пул ёки билим етишмаслигидан кўпинча ўтказиб юбориладиган кўп нарсалар мавжуд, ва WCN бизга шу



SCA Командаси WCN Экспо-2008 да.  
Е. Бикова сурати

камчиликларни тўлдиришга жуда яхши имкон берди.

Жума куни кечкурун донорлар билан биринчи учрашувимиз – WCN таъсисчилардан бири Акико Янг уйида сафари стилида кеча бўлди. Кеча ўтган от манежи, намоиш этилган ҳар бир жонивор тасвири туширилган плакатлар, шунингдек африка жониворларининг пластик шакллари билан чиройли безатилган эди. Биз кечани эски донорларимиз билан суҳбатда ўтказдик, янги шахсларни учратдик, ва кечадан кетаётган вақтимда, мен 4 соат фақат сайгоқ тўғрисида гапирганимни ўйладим!

Эртаси кунига кўргазма бўлди. Биз столни сайгоқ ҳақида сўзлайдиган буюмлар ва Ўзбекистон ҳамда Қалмоғистон безак буюмлари билан безатдик. Одамлар сайгоққа катта қизиқиш билдирди, чунки уларнинг кўпчилиги у ҳақида илгари ҳеч қачон эшитмаган. Окленд ҳайвонот боғининг катта гуруҳ ўсмирлари кўргазмада ўтган йили бўлган ва ёқимтой чўл антилопаси ҳақида кўпроқ билиш учун яна қайтишни жуда хоҳлаган! Улар ўз ишида ургун маҳаллий жамоалар билан ишлашга қўядиган Елена лекциясига навбатда биринчи бўлишди. Биз 1000 долларга яқин миқдорда сайгоқ билан боғлиқ товарлар сотдик, ва сайгоқ ҳақида кўпроқ билишни ва уни тиклашга ёрдам беришни хоҳлайдиган инсонлар билан



Америка сайгоқ билан танишмоқда.  
Е. Бикова сурати

сухбатлашдик. Бу жуда оғир, бироқ жуда фойдали кун бўлди.

Охириги кун Лос Альтосда ижрочи директор Чарли Ноуз уйдаги қабулда ўтказилди. Биз кун бўйи меҳмонлар билан гаплашдик, едик, ичдик ва яна гаплашдик. Ҳар бир иштирокчи ўз ишини намоиш этиш учун қисқа нутқ сўзлади. Еленани жуда яхши қабул қилишди, айниқса у аудиторияга яқинда шу ерлик одам уларнинг таълим берувчи ишлари тўғрисида унинг ўғли бугун оиласини сайғоқ гўштини ейишдан қайтарганини айтганлигини сўзлаб берганда.

Кўргазма WCN ходимлари ва волонтерлардан иборат бўлган ўта фидокор ва яхши ташкилланган команданинг ҳаракатлари тўғрисида ўтди. Мен уларга шундай ажойиб форум ўтказганлиги, SCA ишини намоиш этиш ва янги потенциал донорлар учратиш имкони учун жуда миннатдорман. Шубҳасиз, SCA бу ҳамкорлик тўғрисида янада кучлироқ бўлмоқда. *Қўшимча маълумот олиш учун Элизабет Уайтбрэд, [elisabeth.whitebread07@imperial.ac.uk](mailto:elisabeth.whitebread07@imperial.ac.uk) га мурожаат қилинг.*



Сан-Францискода сайғоқ ҳақида лекция, Экспо-2008.

*М. Варон сурати*

### Сайғоқни сақлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик

2008 й. сентябрь бошида ҚР Ёввойи ҳайвонлар маркази директори, проф. Юрий Арилов таклифига кўра Россияга Турлар сақланиши ва омон қолишини таъминлаш маркази командаси (CCSS) келди. CCSS – бу сайғоқ каби турларни ўрганиш ва сақлаш учун ташкил қилинган бешта Америка ҳайвонот боғининг консорциуми. Команда ёввойи ҳайвонлар билан ишлайдиган икки ветеринар - др. Нэнси Бедерер, Миллий ҳайвонот боғи, Вашингтон, Колумбия округи ва б. Рейчел Вейсс, «Wilds» шахсий боғи, Камберленд, Огайо штати, шунингдек чорвачилик ва бошқарув соҳасида кўп йиллик иш тажрибасига эга икки мутахассис – Рэнди Ричес, Зоологик жамият, Сан-Диего, Калифорния ва Дэн Битем, Wilds. Др. Анна Лушчекина, МАВ Россия қўмитаси бу сафарни ташкил қилишга кўмаклашди.

Иш Элистада Қалмоғистон давлат университетида Зоотехника бўлими ҳамда Ставрополь давлат қишлоқ хўжалиги университетининг Ветеринария тиббиёти мактаби ходимларининг учрашувидан бошланди. Сўнг Республикада



Питомникда сайғоқнинг физиологик ҳолатини текшириш

*Н. Арилова сурати*



Юрий Каминов билан учрашув.

*Н. Арилова сурати*

сайғоқни сақлаш бўйича дастурларининг ҳолатини баҳолаш учун Табиат ресурслари вазирининг ўринбосари Юрий Каминов билан расмий учрашув бўлди. Вазирликда сайғоқни сақлаш муаммосини тушунишни яхшилашга ёрдам берган пресс-конференция ташкил қилинди.

Элистандан CCSS командаси Ёввойи ҳайвонлар марказининг ишлари билан танишиш мақсадида Яшкульский питомнигига жўнади. Бу сафар вазифаси сайғоққа янги бехуш қиладиган препарат таъсирининг самарадорлигини баҳолаш эди. Команда Марказ учун ветеринария жиҳозлари ва асбобларини,

жумладан Огайонинг Маскингам (Muskingum) коллежи томонидан совға қилинган, жониворларнинг клиник диагностикаси учун ишлатиладиган микроскопни олиб келди. Маҳаллий телевидениенинг операторлар гуруҳи бу ташриф тўғрисида лавҳа олди.

Кейин CCSS командаси Анатолий Хлуднев ва инспекторлар командаси билан учрашиш учун Степной заказнигига йўл олди. Сайғоқ ва чўлдаги бошқа ҳайвонларни табиий яшаш муҳитида кузатиш, ҳамда инспекторлар олдида турган муаммолар ва уларнинг таълим дастури ҳақида кўпроқ билиш имкониятидан барча хаяжонда эди.

CCSS командаси Марказда фойдаланиш учун ветеринария диагностикаси тестлари, ҳаракатсизлантириш ва жониворларга қараш бўйича ўқув материалларини рус тилига таржима қилиш учун тайёрлади. Ставрополдаги Ветеринария тиббиёти мактаби билан биргаликда режалаштирилаётган сунъий уруғлантириш бўйича лойиҳа каби келажақдаги Марказда эндокринология ва репродуктив технологияни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга кизиқиш бор.

CCSS Россияда сайғоқни сақлашга кўмаклашиш учун келажақдаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини излайди.

*Қўшимча маълумот олиш учун Дэн Битем, [djbeetem@yahoo.com](mailto:djbeetem@yahoo.com) га мурожаат қилинг.*

## Тошкентда сайгоқни авиаҳисобга олиш усулининг муҳокамаси бўлди

2008 й. 9 декабрда Тошкентда Ўзбекистонда сайгоқни авиацион ҳисобга олишни ўтказиш усули бўйича Техник семинар бўлди. Семинар Зоология институти, Сайгоқни сақлаш Альянси ва ЎЗР Давбионазорат томонидан ташкил қилинди.

Семинар ишида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг манфаатдор ташкилотлари иштирок этди (ЎЗР ФА Зоология институти, Сайгоқни сақлаш Альянси, ЎЗР Давбионазорат, Қорақалпоғистон Республикасининг Давтабқўмитаси, ЎЗР Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Кўриқхоналар, миллий боғлар ва овчилик хўжалиги бош бошқармаси, Ўзбекистон Миллий университети ва Қозоғистон Республикасининг ТФВ Зоология институти). Семинар мақсади Ўзбекистонда авиаҳисобга олиш усулига амалий йўналтириш билан сайгоқ мониторингини олиб бориш бўйича тажриба алмашиш, шунингдек келгуси авиаҳисобга олишга тайёргарликдан иборат эди. Иштирокчилар сайгоқ мониторинги бўйича ҳаракатларни Ўзбекистондаги турли идоралар билан ўзаро мослаштириш, шунингдек бу масалада Қозоғистон Республикасининг манфаатдор ташкилотлари билан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш, жумладан сайгоқнинг Устюрт популяциясини сақлаш бўйича икки томонлама келишув имзоланишини



### Учрашувнинг иш вақти.

*А.Есипов сурати*

тезлаштириш зарурлигига қўшилишиди.

Қўшимча маълумот олиш учун Александр Есипов, [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) га мурожаат қилинг.

## Қалмоғистонда сайгоқлар химоя остида

2008 й. 24 сентябрдаги "Российская газета" хабар қилганидек Қалмоғистон Халқ хурали (парламенти)нинг ўтган сессиясида депутатлар хайвонот олами тўғрисидаги республика қонунини қабул қилди. Янги қонуннинг асосий вазифаларидан

бири – сайгоқларнинг қолган сонини қутқариш. Сайгоқлар - республика "брендлари"дан бири ва "Черные земли" кўриқхонасининг асосий муҳофаза қилинадиган объекти.

*Батафсилроқ*

[http://www.rg.ru/2008/09/24/reg-](http://www.rg.ru/2008/09/24/reg-jugrossii/sajgaki.html)

[jugrossii/sajgaki.html](http://www.rg.ru/2008/09/24/reg-jugrossii/sajgaki.html)




**SEIMAR**  
SOCIAL FUND



Agip KCO

## Сайгоқлар ҳақидаги мультфильм халқаро кўрик-танлов ғолиблари қаторида

2008 й. октябрь охирида Россиянинг Оренбург шаҳрида ўсмир ва ёшлар учун "Мен - инсонман" иккинчи Евроосиё ижтимоий дастур ҳамда фильмлар телевизион кўрик-танлови бўлди. Лауреат дипломини "Анимастер" Чимкент студиясининг "Сайгоқ ҳақида достон" мультипликацион фильми олди. Жюри кўтарилган мавзу – келажак авлодлар учун хайвонот оламининг биохилма-хиллигини сақлаш жамият учун катта аҳамиятга эғалигини таъкидлади, ёш томошабинлар эса фильм қаҳрамонларининг кечинмаларига шерик бўлишди. Сайгоқчалар ҳақида биринчи серияда бошланган ҳикоя давом эттирилди. "Анимастер" студияси мультфильмнинг иккинчи қисми устида ишни тугатди. Браконьерлик ҳақида ўз кичик қишлоқларининг кундалик ҳаётидан биладиган Қорақалпоқстон (Ўзбекистон) ўқувчилари сценарий муаллифларига шерик бўлди. Лойиҳага "Seimar Social Fund" нотижорат хайрия фонди, "Agip KCO" компанияси ва Қозоғистон Республикасининг МСХ Ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитаси қўмаклашди. Қўшимча маълумот олиш учун "Анимастер" студияси, [zmaxut@mail.ru](mailto:zmaxut@mail.ru) га мурожаат қилинг.



## Шохларни контрабанда қилиш ҳоллари

2008 й. 19 апрелда ЖДПП Забайкальск божхона постида Хитойга нолегал тарзда олиб чиқиб кетишда сайгоқлар шох қўлга туширилган. Умумий оғирлиги 22,5 кг бўлган 97та шох товар составининг локомотивига яширилган эди. Контрабандачи – машинист ёрданчисим Россия фуқароси. 2007 й. 16 октябрдаги ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турларини контрабанда қилиш муаммолари бўйича Россия-Хитой божхона йиғилишида ХХР божхоначилари такдим этган ҳужжатларга мувофиқ Харбин божхона райони агрофидаги чегаранинг Хитой томонида 2006-2007 йй. умумий ҳисобда 165та сайгоқ шох қўлга туширилган эди. ХХР Синьцзян-Уйғур автоном районининг (Хитой-Қозоқ ҳамда Хитой-Қирғиз чегаралари) божхоналарида қўлга туширилган ҳажмига нисбатан бу шохларнинг деярли кичик партиялари. Урумчи ш. Божхона бошқармасининг Контрабандага қарши курашиш бўлими томонидан 1999-2007 йй. даврида 5386 кг сайгоқ шохлари мусодара қилинди. Шу йиллардаги энг катта партия (2001 й. 26 ноябрда Қозоғистон билан чегарада қўлга туширилган) 1793 кг контрабанда шохларни ташкил қилди (тахминан 4482 жонивор). Бу юкнинг умумий қиймати 269 млн. юанни ташкил қилди.



Забайкальсда қўлга туширилган сайгоқ шохининг контрабанда партияси. Россиянинг Сибирь Федерал божхона хизмати бошқармаси Забайкалье божхонасининг оператив фотосъёмкаси.

Синьцзян-Уйғур АР чегараси сайгоқ ареалига анча яқин ва сайгоқ шохининг контрабанда оқими 2000-х йй. бошида умуман анча аҳамиятли эди. Сайгоқ шохларини ноқонуний олиб ўтиш Забайкалье ва Узок Шарқда – деярли янги ҳодиса. Илгари бундай фактлар учрамаган. Бундан ташқари агар қозоқ-хитой чегарасидан олдиндан Қозоғистон, ва, эҳтимол Ўзбекистонда қўлга киритилган шохлар олиб ўтилса, россия-хитой чегарасидан қалмиқ популяцияси шохлари ҳам ўтиши мумкин. Афсуски, апрелда қўлга туширилган шохлар партиясининг келиб чиқиши ҳозирча аниқланмай қолмоқда.

### Қалмоғистонда сайгоқ браконьерлари жазоланди

Бир неча сайгоқ браконьерлиги ҳоллари Қалмоғистон судида кўришнинг турли босқичларида. Йирик зарар етказган ҳолда ноқонуний ов қилишда (РФ ЖК 256 м. 1 қ. "а" б.) айбдор деб топилган 26-ёшли Сергей Манджиев иши ҳаммасидан илгари сурилди. Қалмоғистон республикаси прокуратураси матбуот хизматининг 2008 й. 1 ноябрдаги хабарига кўра, 2007 йил октябрда бир киши уч урғочи сайгоқни отган. Черноземелье район суди судланганнинг иш ҳақидан 15%ни давлат ҳисобига ўтказган ҳолда айбдорга олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари кўринишида жазо белгилади. Район прокурорининг даъвосига кўра браконьердан федерал бюджет фойдасига 81 минг 900 рубль миқдорида экологик зарар ундирилган.

Қалмоғистон Республикаси ИИВ матбуот хизматининг ахборотиغا кўра 2008 й. 19 сентябрда пойтахт милицияси ходимлари томонидан сайгоқ гўштини сотаётган 26-ёшли шахарлик аёл қўлга олинган.



Мусодара қилинган сайгоқ шохлари (*Saiga tatarica tatarica*). Б.Буевейбаатар сурати

2008 й. 20 октябрда Мўғул божхонаси ходими нолегал тарзда 534та сайгоқ шохини поездда Хитойга олиб чиқишга уринган икки Мўғулистон фуқаросини қўлга туширди. Биология институти экспертлари барча шохлар Мўғул кенжа турига эмас, *Saiga tatarica tatarica* га тегишлилигини аниқлади, демак, улар четдан олиб келинган. Ушбу факт бўйича тергов олиб борилмоқда. Бу Хитойга сайгоқ шохларининг иккинчи марта контрабанда қилиниши. Бунгача 2006 й. Мўғулистоннинг икки фуқароси 36та шох билан қўлга туширилган эди.

Божхоначилар сайгоқ шохларига эътибор бермаётганга, ва савдогар ҳамда контрабандачиларнинг яхши йўлга қўйилган тармоғи мавжудга ўхшайди. Бу муаммони ечиш учун биз Мўғулистон, Қозоғистон ва Россия(Қалмоғистон)нинг тегишли шахс ва ташкилотлари ўртасида браконьерлик ҳамда шохлар контрабандаси ҳоллари бўйича маълумот алмашишни йўлга қўйишимиз керак. Шу жумладан, божхона ходимлари, инспектор ва ўрмончилар учун таълим беришни ташкил қилиш керак.

«Қорасой ботир» заставаси (қозоқ-қирғиз чегарасида) чегарачилари автомашинада Қирғизистонга кетаётган икки Қозоғистон фуқаросини тутиб олишди. Уларнинг машинасида чегарачилар контрабанда юк – умумий оғирлиги 300 кг га яқин бўлган сайгоқ шохларини топди. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Мўғулистон бўйича қўшимча маълумот олиш учун Б.Буевейбаатарга, [buuveibaatar@biology.mas.ac.mn](mailto:buuveibaatar@biology.mas.ac.mn) ва Б. Чимеддоржга [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn) мурожаат қилинг., Қозоғистон бўйича Казинформ вебсайтига қар. <http://www.inform.kz/showarticle.php?lang=rus&id=218977>.

Чўл антилопасининг нимталанмаган гўшти, кундуз куни таксопарк худудиди "ГАЗель" бортидан очиқ-ойдин сотилган. Ҳаммаси бўлиб яримприцепда 12 нимта топилди. Аёл сайгоқ гўштини Яшкул-Элиста трассасида нотаниш одамдан донасини минг рублдан сотиб олганини айтди. Бу ҳикоянинг қанчалик тўғрилигини тергов аниқлапти.

Қалмоғистон республикасининг Яшкул районида 2008 й. октябрда Утта п. дан жанубга мотоциклда бориб, ноқонуний сайгоқни ўлдирган Утта п. яшовчи 20-ёшли киши судланган. Суд қарори билан айбдорга 2500 рубль миқдорида жарима белгиланган. Ҳозирги вақтда район прокуратураси томонидан жиноятчидан давлат фойдасига етказилган зарарни ундириш учун материаллар тайёрланмоқда.

2008 йил 2 ноябрда Қалмоғистоннинг Черноземелье районида милиция ходимлари машинасида нимталанмаган

сайгоқ гўшти топилган икки браконьерни тутишди. Ҳуқуқбузарлар сайгоқ тўдасининг изига тушиб, тўрт жониворни отгани аниқланди. Атроф муҳитга етказилган зарар 100 минг рублдан ортиқни ташкил қилди. Черноземелье районининг прокурори Арсланг Мухлаев хабар берганидек, гумон қилинаётганларга нисбатан ўша куннинг ўзида РФ ЖК 258 м. 2 қ. кўзда тутилган (ноқонуний ов) жиноят белгилари бўйича жиноий иш қўзғатилган.

REGNUM материаллари бўйича, [www.regnum.ru/news/1078098.html](http://www.regnum.ru/news/1078098.html), [www.regnum.ru/news/1079464.html](http://www.regnum.ru/news/1079464.html) ( Черноземелье районидаги ҳолатлар бўйича), [информацион портал Элиста.ORG](http://www.elista.org/elista/index.php), <http://www.elista.org/elista/index.php> (Яиқул районидаги ҳолат бўйича), ва «Известия Калмикии», <http://www.elista.org/elista/files/ik/240908/3.pdf> (зўиит сотиш ҳолати бўйича).

### Устюрт регионида браконьерлик ҳоллари

Октябрь охирида Қозоғистонда Матай қумлари атрофида худудни вертолетда айланадиган Овзоосаноат инспекторлари, Қозоғистон билан чегарани ноқонуний кесиб ўтган Ўзбекистон фуқаросини ушлашди. Икки кунда 6 мотоцикл (10 одам) тутилди, уларнинг 4-тасида бузғунчилар ҳалок бўлган сайгоқлар шохини йиққан, экипажида 2 қуролланган одамли иккита бошқасида ("Уралларда") сайгоқларга ов қилинган. Ушланганлар битта сайгоқни ўлдириб, ейишганини тан олди. Браконьерлик факти бўйича ашёвий далил йўқлиги туфайли иш қўзғатилмади. Браконьерлар Челкар ИИБга топширилди, мотоцикллари мусодара қилиниб, чегара бузганлиги учун

жарима солинди ва Ўзбекистонга депортация қилинди. Овинспекторларнинг айтишича, Ўзбекистон худудидан Қозоғистон йўналишига кўра мотоцикллар билан яхшилаб текисланган сўқмоқлар бор.

ЎзР Давтабқўмитанинг янги ташкил қилинган САИ (Махсус Амударё инспекцияси) инспекторлари 2008 й. сентябрда Тахиятош ш. яшовчи Ўзбекистоннинг Тахтақўпир районидаги Қўқдарё дарёси кўлобларида ноқонуний тарзда катта сайгоқ, тўнғиз, ва қирғовул отган икки кишини тутишди. Жиноий ишлар бўйича Нукус шаҳар судининг қарорига кўра браконьерлардан 4 млн. сум (~ \$2860)га яқин миқдорда етказилган зарар ундирилди.

### Бетпақдалада браконьерлар тутилган

2009 й. 19 январда «Олтин Дала» Табиат муҳофазаси ташаббусининг Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш хизматининг (ADCI) тўртта ходими Табиат муҳофазаси ва ветеринария полицияси ходимлари билан биргаликда Аркалик–Жезказган автотрассасида Қозоғистоннинг энг йирик мис қазиб олувчи компанияларга тегишли КамАЗни қўлга олишди. Юк машинасида тўққизта ўлдирилган – иккита катта ва учта ёш эркак, ҳамда тўртта урғочи сайгоқларнинг боши, териси ва нимталанмаган гўшти топилган. Шунингдек иккита «Ямаха» қордаюари ва патронли 4 дона отиш қуроли топилган. Қишда, чўл қор остидалигида, сайгоқлар тез ҳаракатлана олмайди, ва улар озика етишмаслигидан ҳолсизланган бўлади. Бу уларнинг кўпинча бўри овлашда ҳам қўлланадиган қордаюарларда ов қилиш деярли осон объекти бўлишига сабаб бўлади.

«Олтин Дала» инспекторлари чўлга қараб кетаётган, қордаюарлар ортилган машиналар тўғрисида хабар олиб, унга кўра, полиция ва инспекторлар кўрсатилган йўналишдан келаётган машиналарни тўхтатиб, текширган. Уччала йўловчи ҳам фойдали қазилмалар оладиган компания ва шу компания таркибига қирадиган ТОО ишчилари эди, бунда уларнинг иккитаси обрўли топ менежер бўлиб чиқди. Уларнинг иккита серҳашамроқ автомобилларда кетаётган «ҳамроҳлари» ҳам бор эди, бироқ уларнинг исмлари маълум бўлиши эҳтимолдан узок. Машинада қурол ва патронлар борлигига қарамасдан, браконьерлар браконьерлик усулида қўлга киритилган ҳайвонларни маҳаллий фермердан сотиб олдик деб туриб олди.



КамАЗ автомобилида топилган ноқонуний тарзда қўлга киритилган сайгоқ бошлари.

Оркен Шаймуханбетов сурати, АСБК/АДСИ

Ушбу қўлга олиш сайгоқни яширинча овлаш фақат маҳаллий аҳоли томонидан даромад олиш учун олиб борилмаслигини, балки ўзига тўқ ва обрўли инсонлар учун «спорт» ҳам эканлигини кўрсатади.

Шунингдек 2008 й. сентябрда «Олтин Дала» инспекторлари, овчилик хўжалиги ва Овзоосаноат ишчиларининг биргаликдаги ҳаракати туфайли Жезказган яқинида икки браконьер иккита урғочи сайгоқнинг нимтаси билан тутилди.

Ишни судда қўриш натижаларига кўра браконьерларга 5000-7000 АҚШ долларига тенг жарима тўлаши ёки давлатга ҳар бир ўлдирилган ҳайвон учун ёши ва жинсига боғлиқ ҳолда 1000-2000 долларга тенг миқдорда браконьерлик натижасида етказилган зарарни ундириш билан икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Техник, молиявий ва маъмурий сабабларга кўра январь давомида деярли битта ҳам давлат антибраконьерлик бригадаси (Овзоосаноат ҳамда Ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитаси) далага чикмади. АДСИ инспекторлари бу етишмовчиликни тўлдиришга ҳаракат қилишди.

Қўшимча маълумот олиш учун [Eva Klebelberg](mailto:eva.klebelberg@acbk.kz), [eva.klebelberg@acbk.kz](mailto:eva.klebelberg@acbk.kz) мурожаат қилинг



АДСИ инспектори браконьерлар ўлдириган сайгоқлар билан. Оркен Шаймуханбетов сурати, АСБК/АДСИ

## Илмий

### Сайгоқ болаларини тутиш ва белги қўйиш

Дж. К. Янг<sup>1,2</sup>, Б. Бувейбатар<sup>3</sup>, А.Е. Файн<sup>4</sup>, Б.Лхагвасурен<sup>3</sup>, Дж. Бергер<sup>1,2</sup>

Northern Rockies<sup>1</sup> Дала базаси, Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS), Монтана Университети, Миссолина, Монтана, АҚШ; <sup>2</sup>Биология факультети, Монтана Университети, Миссолина, Монтана, АҚШ;

<sup>3</sup>Сут эмизувчилар экологияси лабораторияси, Биология институти, Мўғулистон Фанлар Академияси, Улан-Батор, Мўғулистон;

Мўғул сайгоғи 20 аср охирида кучли қисқаришни бошдан кечирди, ва шунда ҳам қолган популяциялар тез етилиш ва мунтазам эгизаклар туғилиши билан шартланадиган юкори серпуштлиги туфайли тикланиш имкониятига эга. Популяцион динамикага таъсир қилувчи параметрларга мўғул кенжа тури учун бу муҳим демографик параметрлар бўйича маълумот бўлмаса ҳам, катта зотларнинг омон қолиши ва болаларнинг туғилиши киради. Шунинг учун Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS) Мўғулистон Фанлар Академияси Биология институтининг (МАН) Сут эмизувчилар экологияси лабораторияси билан биргаликда болалар туғилиши ва омон қолишини ўрганиш бўйича лойиҳасини бошлашди. Лойиҳа вазифалари қуйидагилар: 1) кўпайиш давридан олдин ва кейин сайгоқларнинг тақсимланиши; 2) қўзилаш жойларини аниқлаш; 3) қўзилаш вақти, эгизаклар фоизи, ва мўғул сайгоғи бўйича тарихий маълумотларга эга морфологик белгиларни солиштириш; ва 4) янги туғилган сайгоқларнинг омон қолиш даражасини ўрганиш. Дала ишлари Фарбий Мўғулистоннинг Гоби-Алтай аймоғидаги Шарга қўриқхонасида 2008 й. 17 майдан 21 июнгача ўтказилди. Мониторинг давом этаётганлиги сабабли, биз ёш сайгоқларнинг туғилиши ва ўлими билан боғлиқ дастлабки маълумотларни беряпмиз.



Белги қўйилган сайгоқча.

Дж. К. Янг/WCS сурати



Шарга, Гоби-Алтай қўриқхоналарида олимлар сайгоқ болаларини тутиб, радио-бўйинбоғлар билан белгилапти.

Дж. К. Янг/WCS сурати

Сайгоқ болаларини олдинги ўрганиш туғиш вақтида урғочилар гуруҳларга йиғилишини кўрсатди, бироқ ҳозирги вақтда Мўғулистонда уларнинг зичлиги умуман айтганда паст. Эҳтимол, жойга кўра тақсимланишнинг бошқа тури мавжуддир. Сайгоқ болалари ва эмиздагиларнинг потенциал тўпланиш жойларини аниқлаш мақсадида WCS ва МАН олимлари илк бор урғочи сайгоқлар бор жойини аниқлаб, қузатув ўтказдилар. Қузатув кундуз куни кўриш трубаши ёрдамида  $\geq 700$  м дистанциядан ўтказилди. Урғочи топилганда 2-4 кишидан иборат команда сайгоқ боласини тутиш учун ўша жойга борди. Тутгандан кейин оналар ўз болаларидан воз кечмаслиги учун чоралар кўрилди (масалан, перчаткалар ишлатилди, хўл сайгоқчалар тугилмади). Ҳар бир тутилган янги туғилган сайгоқча тортилди, ўлчанди ва VHF радио-бўйинбоғ билан таъминланди (суратга қар.). Радио-бўйинбоғлар, вақт ўтган сари чўзиладиган эластик асосга эга, ва бўйинбоғ осилиб туради. 17 кун қузатишдан сўнг (2008 й. 12-19 июнь) 6 кун ичида команда 40та янги туғилган сайгоқчаларни тутди. Бундан ташқари, шу вақт давомида бўйинбоғ билан белгиланмаган 6та тирик ва учта ўлган сайгоқчалар топилди. 40та тутилган сайгоқчалардан 22таси эркак чиқди. Эркаклар ( $2,80 \pm 0,32$  кг) урғочилардан оғирроқ эди ( $2,60 \pm 0,38$  кг,  $t = 2,02$ ,  $p = 0,05$ ). Ўн битта сайгоқча ёлғиз эди, бу 58 % урғочи эгизак олиб келганини билдиради. Тутилган эгизаклардан 4таси эркак, 4 – урғочидан иборат эди, 7 эгизак эса ҳар хил жинсли чиқди.

Ҳозирги кунда 33та VHF бўйинбоғ билан белгиланган сайгоқча омон қолди, еттига сайгоқча эса, энг аниғи, йирткичлардан ҳалок бўлган. Биттаси тулки қурбони бўлган, учтаси йирткич қушлар томонидан ўлдирилган. Мониторинг давом этапти, ҳар бир сайгоқчанинг қаерда жойлашгани ҳафтанинг уч куни давомида аниқланипти. Бу дастлабки тадқиқотлар ёш сайгоқлар ўлимининг сабаблари ва мўғул сайгоғининг популяцион демографиясига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бўйича кўп йиллик лойиҳанинг илк қадамларидир.



## Мўғулистонда сайгоқни сақлаш бўйича лойиҳа доирасида хабардорликни яхшилаш заруратини баҳолаш

Б. Чимеддорж

WWF-Мўғулистон, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

2008 й. WWF-Мўғулистон аҳолининг сайгоқ ва уни муҳофаза қилиш тўғрисидаги хабардорлигини ошириш учун зарур бўлган чораларни ҳамда турни сақлаш бўйича энг муҳим йўналишларни аниқлаш мақсадида мўғул сайгоғи яшайдиган районларда социологик тадқиқот ўтказди. Мўғул сайгоғи ҳақидаги билимларнинг замонавий даражасини баҳолаш вазифаси қўйилган эди. Тадқиқот уч даражада ўтказилди: сайгоқ яшайдиган районларда яшайдиган аҳоли орасида, инспектор ҳамда полициячилар орасида, шунингдек табиат муҳофазаси сиёсати учун жавобгар бўлган тегишли шахс ва давлат структуралари орасида. Жами тадқиқотда 627 респондент катнашди.



Тадқиқотчилар командаси (чапда) ва социологк сўров иштирокчилари (ўнгда).

Б. Чимеддорж сурати

### 1. Сайгоқни сақлаш ва маҳаллий жамоалар муносабати

Респондентлар жавобига кўра сайгоқнинг тур ареали сўнгги вақтда нисбатан стабил эди, бироқ тур тарқалиши яшаш жойининг чорва молларини боқиш жойлари билан тўсилиши натижасида ўзгарди. Бу қуйидаги сабаблар билан шартланди:

- Сўнгги йилларда чорва молларининг боши анча кўпайди. Демак, узокдаги аввал ишлатилмаган районлар мол ўтлатиши учун эгалланган.
- Сайгоқ сони кўпайди, унинг яшаш жойи эса чорва

молларининг ўтлаш жойларини эгаллаган ҳолда кенгайди. Чўпонлар яйловда сайгоқ пайдо бўлганидан норози, уни кўрқитиб, яшаш жойидан кетишга мажбур қилади.

Сайгоқ яшайдиган районларни имкон қадар чорва молларидан бўшатиш керак. Агар бунга имкон бўлмаса, сайгоқ яшайдиган районларда молни мавсумли ўтлатиш амалиётини жорий қилиш керак. Сув ресурслари етишмаслиги туфайли уй ҳайвонлари учун кам ишлатиладиган жойлар, сайгоқ учун ишлатилиши мумкин. Чорва моллар ўтлатилмайдиган, бироқ сайгоқ учун муҳим бўлган жойларда (мсн., Шар Бурог ва Улан Ергин Нуру) очик сув ҳавзалари бўлиши керак.



Сайгоқнинг куйиқиш ва кўзилаши ўтадиган асосий участкаларни аниқлаб, кўрикланишини таъминлаш зарур.

### 2. Нолегал ов ва сайгоқ популяциясининг замонавий ҳолати

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларга кўра сайгоқни ўғринча овлаш даражаси пасайди. Сайгоқ ареали кенгайиб, сони кўпайган бўлса ҳам, амалда браконьерлик йўқ қилинмаган. Демак, унинг асосий яшаш жойларида сайгоқ муҳофазаси учун жавоб берадиган инспекторлар бўлиши



Қочаётган сайгоқлар, Дарви.

Б. Чимеддорж сурати



керак. Бундан ташқари, айрим областларда вақтинчалик асосда маҳаллий жамоалардан жамоа инспекторлари жалб қилиниши мумкин. Бу ҳолда маҳаллий маъмурлар билан уларга берилган ваколатни муҳофама қилиш зарур.

Респондентларнинг жавобларига кўра, сайгоққа ов қилишнинг асосий сабаби маҳаллий аҳолининг камбағаллиги. Шундай қилиб, уларнинг турмуш даражасини оширишга кўмаклашишни таъминлаш зарур. Масалан, таълим бериш ва одамларни табиат ресурсларидан турғун фойдаланиш, сабзавотлар ўстириш, оилавий бюджетни олиб бориш тўғрисида маълумот бериш, чорвачилик билан етиштирилган материаллардан хунармандчилик буюмларини тайёрлашга ўргатиш, ссуда ва рағбатлантириш воситаларини олиш имконини таъминлаш.

### 3. Ахборот олиш имконини яхшилаш

Аҳоли орасида сайгоқ ҳақида ахборот бериш ишлари олиб борилмаган. Табиат муҳофазаси бўйича биргаликдаги

ҳаракатларни фаоллаштириш ва кўмаклашиш зарур, тегишли ахборотли материалларни эса маҳаллий аҳоли орасида тарқатиш керак. Бундан ташқари, махсус телевизион ва радиокўрсатувлар ўтказиш керак, ахборот олиш имконини яхшилаб, маҳаллий болаларни сайгоқни муҳофаза қилиш чораларига ўргатиш керак.

Шунингдек давлат хизматчилари ҳамда божхона ходимларида сайгоқ ҳақида аниқ тушунча ва маълумотга эгалликни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, тегишли шахс ва ташкилотлар ўртасида икки томонлама ахборот алмашишни йўлга қўйиш муҳим. Бу турни сақлаш бўйича ҳаракатларни бирлаштирадиган эффектив ёндашишлардан бири бўлади.

Сайгоқ бўйича тадқиқотлар ўтказилган область, аҳоли яшайдиган бир неча пункт ва шаҳарлардан иборат қишлоқ хўжалиги регионидир. Сайгоқни сақлаш бўйича ҳаракатлар ўтказилишида бунини ҳисобга олиш керак.

## Шимолий-Ғарбий Каспий олдида инспекция иштироғида сайгоқ популяциясининг мониторинги.

*Х. О'Нилл<sup>1</sup>, Х.Манджиев<sup>2</sup>, Э.Дж. Милнер-Гулланд<sup>1</sup>*

<sup>1</sup>Империял Колледж Лондон, <sup>2</sup>Черные земли биосфера кўриқхонаси, [helen.oneill07@imperial.ac.uk](mailto:helen.oneill07@imperial.ac.uk)


2003 йил сентябр ойидан бошлаб, инспекция кучи билан Россия, Қалмоғистон, сайгоқ Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяциясининг мониторинги ўтказилмоқда. Ҳозирги вақтда у инспекторларнинг патруллаш вақтидаги унча тўғри бўлмаган сайгоқни кузатишларига асосланган. Бу маълумотларнинг ишончлилиги чекланган, чунки инспекторларнинг патруллаш вақтидаги кузатувларининг жойи ва вақти кўрсатилган ёзувлари сақланиб қолмаган; бу эса ҳудудни ҳисобга олиш билан қамраб олиниши ва даражасини баҳолашнинг имкони йўқлигини билдиради. Популяциянинг ҳолати бўйича ишончли хулоса чиқариш учун, вақт давомида кузатишлар натижаларига ўзгаришлар киритиш мақсадида ўтказилган кузатувлар характерини баҳолаш керак.

Инспекция кучи билан бажарилаётган мониторинг дастурининг афзаллиги, унда сайгоқнинг яшаш жойлари бўйича маълумотлардан ва инспекторларнинг сайгоқни бир неча йиллик кузатишларида олинган тажрибаларидан фойдаланилади. Келажакда турни омон қолиш стратегиясининг ажралмас қисми бўлган инсонларнинг ёрдамига эга бўлиш жуда созидир. Ушбу лойиҳанинг мақсади, олинаётган маълумотларнинг сифатини яхшилаш учун, мавжуд инспекция иштироғидаги мониторинг стратегиясига кичик ўзгаришлар киритишга уринишдан иборат эди. Бу мақсадга эришиш учун

“Черные земли” биосфера кўриқхонаси ва “Степной” заказникларининг ГИС харитаси ишлаб чиқилди. Бу 2003 й. сентябрдан 2007 й. февралгача ўтказилган кузатувлар асосида сайгоқ тарқалишининг жойга оид тахлилини ўтказишга имкон берди, бундан эса, замонавий тизимдаги оғишни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, инспекторлар томонидан сайгоқ подаларининг катталигига берилган баҳонинг ишончлилиги ҳам ўрганилди. Бунинг учун сайгоқ подалари ва инспекторлар ўтказадиган ҳисобга олишлар вақтида олинган сайгоқ подаларининг суратлари ўрнига қўй подалари олиниб тажриба ўтказилди. Шундай қилиб, сайгоқнинг ҳақиқий сонини аниқ баҳолаб, уни инспекторларнинг визуал баҳоси билан солиштириш мумкин эди. Сайгоқлар учрашининг миқдори ва ҳисобга олиш маршрутларининг ётиш зичлиги орасида аниқ боғлиқлик топилди. (1 расм).

Таҳминга кўра, бу сайгоқнинг тарқалиши бўйича маълумотлар нотекислигининг асосий изохи бўлади, чунки уларнинг кўпчилиги ҳисобга олиш маршрутлари бўйлаб олинган. Бу шуни билдирадики, қамраб олинган ҳудуднинг репрезентативлиги баҳолашмас экан, сайгоқнинг кўп миқдорда учраши, ушбу участкада сайгоқнинг зичлиги ҳақиқатдан ҳам баландлиги билан, ёки бу ерда бошқа



жойларга нисбатан қузатувлар кўп миқдорда ўтказилгани, ва шу тарика, сайгоқни учратиш эҳтимоли кўтарилгани билан боғлиқми йўқми аниқлаб бўлмайди.



Инспекторлар сайгоқ гуруҳларини ҳисоблашда аниқликнинг яхши даражасини кўрсатдилар. (2 расм). “Черные земли” биосфера қўриқхонаси инспекторларининг баҳолаши ва суратда кўрсатилган сайгоқлар орасидаги фарқ ўртача 20,07% (SE = 9,184)ни ташкил этди, “Степной” заказнигининг инспекторлари учун бу кўрсаткич 25,22% (SE = 9,364) даражада бўлди. Бу 30%ни кўрсатган бошқа тадқиқотлар билан яхши мослашади. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш вақтида бу қайта баҳолаш ҳисобга олиниши мумкин.

Кўй подаларини ҳисоблаш тажрибаси сайгоқларни ҳисобга олишда олинган натижалар билан мослаштирилди, яъни, инспекторлар ортиқча баҳолашни кам сон учун қилганлар (3 расм). Кам сон билан ўтказилган тажрибада қора қўйлар миқдори ҳисобга олинган, бундан подада эркак сайгоқларни ҳисобга олиш учун намуна сифатида фойдаланиб қора қўйларнинг ортиқча ҳисобга олинишини кўрсатди. Қўйларнинг кам сони ошириб баҳоланган бўлса ҳам, умумий сони, аксинча, камайтириб ҳисобланган. Агар сайгоқни ҳисобга олишда ҳам шундай бўлса, бу катта аҳамиятга эга, чунки эркаклар миқдори популяция стабиллигининг муҳим омилidir ва бу ғоят муҳим кўрсаткичнинг ошириб баҳоланиши популяция мақоми бўйича хато ҳулоса

чиқарилишига олиб келиши мумкин. Шундайми йўқми, унча аниқ эмас, чунки инспекторлар томонидан сайгоқнинг йирик (терманинг кичиклигидан таҳлилга киритлмаган, 200-700 бош сонли) тўдаларини ҳисобга олишининг бир нечтагина ҳоллари бўлди ва инспекторлар подада сайгоқнинг умумий сонини ҳали ҳам ошириб баҳолаётгандек эди.



“Черные земли” қўриқхонасининг мониторинг дастурида иштирок этган инспекторлари  
Х.О’Нилл сурати



Агарда подада зотларнинг умумий сони эркакларнинг сони каби ошириб баҳоланса, эркакларни ошириб баҳолашнинг таъсири унча жиддий бўлмайди, чунки иккала кўрсаткич бир бирини бирмунча тенглаштиради.

Бир нечта тавсиялар лойиҳа натижаси бўлди. Масалан, инспекторлар сайгоқни ҳисобга олган жойи ва вақтини ёзиб юриши керак; ҳудудни патруллаган, бироқ сайгоқни кўрмаган кунларни ҳам киритиш керак. Бу тарқалишни, кузатувлар эҳтимоли ва меъёрини ҳисоблаб чиқиш ва тўлиқ популяцион баҳо беришга имкон берадиган, мониторингни барча стратегияларининг муҳим томонларини ҳисобга олиш учун жуда муҳим. Бундан ташқари, инспекторлардан олинган материаллар маълумотларнинг таҳлили вақтида солиштирилди, бу аниқ популяцион баҳо беришга имкон беради.

“Чёрные земли” кўриқхонаси ва «Степной» заказнигининг инспекторлари томонидан бажарилган иш сайгоқни сақлаш учун жуда муҳимдир. Уларнинг мониторингда иштирок этиши жуда муваффақиятли бўлди, ва биз уларга бу ишни давом эттиришни тавсия этамиз. Ушбу лойиҳа стратегияни яхшилашга ва аниқроқ маълумотлар олишга йўл кўрсатди. Дастурнинг узок муддатли барқарорлигини таъминлаш учун, иш минимал меҳнат сарфида ўтказилади деб умид қилами.

Ушбу лойиҳа Британия Кенгаши BRIDGE дастурининг молиявий кўмағида, Қалмиқ Давлат университети ва



Хелен О’Нилл ва “Чёрные земли” кўриқ-нинг ходимлари.  
Х.О’Нилл сурати

Имперал Коллеж Лондон биргалигида бажарилмоқда. Инспекциянинг кўп йиллик маълумотлари ИНТАС ва Дарвин ташаббуси томонидан молиявий таъминланган дастурлар вақтида олинган.

## Қалмоғистонда жамоа мониторинги имкониятини баҳолаш

Элизабет Уайтбред<sup>1</sup>, Диана Обгенова<sup>2</sup>, Э.Дж.Милнер-Гулланд<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Имперал Коллеж Лондон, <sup>2</sup>Қалмиқ давлат университети, [elisabeth.whitebread07@imperial.ac.uk](mailto:elisabeth.whitebread07@imperial.ac.uk)

Жамоа мониторинги - маҳаллий аҳоли тур экологияси бўйича, унинг сақланиши нуқтаи назаридан эътиборга эга бўлган, маълумотлар тўплайдиган усул. Бу усул бутун дунёда машҳур ([www.monitoringmatters.org](http://www.monitoringmatters.org) га қар.). Биз инспекторлар иштирокидаги мониторинг дастури мавжуд бўлган ва маҳаллий аҳолини жалб этиш бўйича жиддий иш олиб борилган Қалмоғистонда бу усул ишлаш - ишламаслигини кўришни олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Сайгоқ ареалида жойлашган 5та поселкада жамоа мониторинги бўйича ярим йиллик илк лойиҳа ўтказдик. Сайгоқни кузатиш учун ҳар бир поселкада 5тадан фермер танланди. Фермерлар яшайдиган поселкаларидан ташқарида кўп вақт ўтказди ва сайгоқни кўпроқ кўради, шунинг учун улар танлаб олинди. Бундан ташқари, чўпон бўлгани учун, ҳайвонларнинг катта гуруҳини ҳисобга олиш тажрибасига эга.

Июнь ойининг ўрталаридан бошлаб жихозлар (дурбин, ҳисоблагич, компас, ручка ва ҳисобга олиш кундалиги) билан таъминлаш учун, ҳар бир фермернига ташриф буюрдик. Улар билан кузатиш вақти ва жойини, гуруҳнинг катталиги,



Лойиҳа иштирокчилари маҳаллий кузатувчи билан сайгоқ бўйича ёзувлар олиб бориш бўйича инструктаж ўтказмоқда.  
Э.Уайтбред сурати


ва иложи борича жинси, сайгоқчалар сони ва кузатиш масофасини қандай қилиб белгилаш бўйича инструктаж ўтказилди. Биз кузатувчилардан вақтнинг кўп қисмини сайгоқни қидиришга сарфламай, сайгоқ учраган ҳолларни имкон қадар ёзиб боришни илтимос қилдик. Бироқ, ҳар ойнинг 1-чи ва 15-чи кунлари ҳар бир кузатувчи участкасида айнан сайгоқ қидирувига етарлича вақт сарфлашини илтимос қилдик, хусусан катта фермаларда ҳам бунга икки соатдан кўп вақт кетмайди. Бу ҳисобга олишнинг қандайдир бир стандартини белгилаш ҳамда икки ҳисса ортиқ ҳисобга олишнинг олдини олиш учун керак эди. Бу кунларда кузатувчилардан сайгоқларнинг йўқлигини аниқлаш учун, сайгоқни кўрмаган тақдирда ҳам кундаликда ёзувлар олиб боришини сўрадик.

Бир неча ҳафтадан сўнг дастлаб маълумотлар олиш ва барчаси яхши бажарилганлигини текшириш учун қайтдик. Кузатувчилар усулдан мамнун бўлдилар, бироқ баъзиларида кундалик тўлдиришда муаммолар туғилди, кундаликда тушинарсиз бандлар учради. Бундан ташқари, баъзи кузатувчиларга бизнинг биринчи учрашувимиздан кейин битта ҳам сайгоқни кўрмаганлиги тўсқинлик қилди, маълумотларга кўра 44% кузатувчилар сайгоқни кўрмаган. Эҳтимол, кузатув даври деярли қисқа (ўртача 13 кун) бўлгани учун шундай бўлган, бироқ, кузатувларнинг кўпи АҚТХ яқинидаги ҳудудда ўтказилгани сайгоқлар шимолга кўчишни ҳали бошламаганини, ёки у бошида таҳмин қилинганга кўра камроқ билигналигини англатиши мумкин. Бу кўриқланадиган ҳудудлардан ташқарида мониторинг ўтказиш муҳимлигини кўрсатади, чунки ҳозирги вақтда ареалнинг бошқа қисмларида сайгоқнинг кўчиши бўйича жуда кам маълумотга эгамиз.


Шунингдек, иккинчи ташриф вақтида, “Чёрные земли” биосфера кўриқхонасида бундан бир неча ҳафта олдин олинган суратлардан фойдаланиб, сайгоқни ҳисобга олишда ҳар бир кузатувчининг аниқлик даражасини баҳоладик. Суратлар пода катталигининг турлилиги, масофа ва ландшафт турини акс эттирадиган қилиб танлаб олинди. Ҳар бир сурат 30 дақиқа давомида кўрсатилди, кузатувчилардан эса ҳар бир суратда нечта сайгоқ борлигини баҳолаб беришларини сўрадик.

Кузатувчиларнинг аниқлигини назорат маълумотлар билан қиёслаш учун, бир нечта инспекторларни ҳам тестдан ўтказдик. Кузатувчилар баҳоси инспекторларникига яқин эди, икки гуруҳ ҳам ҳар бир суратда гуруҳлар қатталашини билан сайгоқлар сонини ошириб баҳолашга мойиллик кўрсатди. Ҳато кузатув вақтида қўлланган, на сайгоқнинг силжиши, на табиий шароитни ҳисобга олмаган усул билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бирок, ҳақиқий вазиятда инспектор ва кузатувчилар бирдай аниқ бўлишларини тахмин қилиш мумкин.

Агарда жамоа мониторинги умуман жамоа аъзолари томонидан (алоҳида кузатувчилар томонидан каби) қўллаб-қувватланмаса, бу лойиҳа келажакда хавф остига қўяди. Шунинг учун посёлка аҳолисининг бу лойиҳага бўлган муносабатини баҳоладик. Кўпчилик кўрикланадиган худудлар мавжудлигини билсада, “Чёрные земли” кўриқхонаси ва “Степной” заказнигида ўтказилаётган мониторингдан фақат бир нечта одам хабардорлиги маълум бўлди.



Сайгоқнинг ёш дўсти.  
Э.Дж. Милнер-Гулланд сурати



Ҳар бир посёлка кузатувчиси кузатадиган район харитаси. Ҳозир кузатувларда қўшимча 61,500 ортиқ га қамраб олинган, бу АҚТХ қоплайдиган худуддан 34% қўп. Осонлик учун барча кузатув участкалари доирачалар билан белгиланган.

- Эрдниев
- Хулхутта
- Молодежный
- Таван-Гашун
- Утта

Жамоа мониторинги ўтказиш ғоясини баҳолаб беришни сўраганимизда, сўроқланганларнинг 66 фоизи “яхши” ёки “жуда яхши” деб баҳолади, 96 фоизи эса бу усулни қўллаб-қувватлашларини айтди, қолган 4 фоизи бу ғояга қарши бўлишдан кўра, иқтиланаётганини билдирди. Бу ижобий натижа ва келаси лойиҳа учун яхши захира бўлди.

Усулга киритиладиган барча ўзгаришларини муҳокама қилиш, шунингдек кўпроқ кузатувчи ва посёлкаларни жалб этиш турли йўллари муҳокама қилиш учун, январда умумий учрашув ташкил этилади. Вақти келиб, сайгоқ ареалининг Каспий олди қисмида сайгоқ кузатувчиларининг тармоғини тузишга умид қиламиз.

Бу лойиҳа BRIDGE Британия Кенгашининг молиявий ёрдамида Қалмиқ давлат университети томонидан Империял Коллеж Лондон билан биргаликда бажарилди.

## Сайгоқ Ўзбекистонда анъанавий кўпайиш жойларига қайтадими?

Бикова Е.А.<sup>1</sup>, Есипов А.В.<sup>1</sup>, Черногаев Е.А.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>ЎЗР ФА Зоология институти, <sup>2</sup>ГЭФ/ПРООН Тўқайзор лойиҳаси, [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz)

Илгари Устюрт платосининг ўзбек қисмида сайгоқнинг ялпи кўзилаши оддий ҳодиса бўлган, бу тўғрисида Фадеев (1975), Реймов, Карабеков (1980), Ишунин (1987)ларнинг ишларида айтиб ўтилган. Бирок, ҳозирги вақтда қаттиқ овчилик пресси ва трансчегара устюрт популяцияси сонининг умумий қисқариши натижасида сайгоқнинг кўзилаши Ўзбекистонда жуда ноёб ҳодиса бўлиб қолди. Бу ерда сайгоқлар кўпроқ мавсумий кўчишда, туёқлилар Қозоғистоннинг туташган худудларидан жанубга қишлоқ жойларига силжиганда кузатилади. Декабрда Ўзбекистонда сайгоқнинг куйиқиш даври ҳам бўлиб ўтади. 2008 йилда Ўзбекистонда сайгоқнинг ўта кам сони кузатилди – фақат 1000 бош.

Кўзилаш бўйича сўнгги расмий маълумотлар, ўзбек Устюртининг шимолий қисмида авиа- ва автомобилда ҳисобга

олишлар ўтказилган, 1991 йилга тегишли (ЎЗР Давбионазорат ҳисоботи). Жами 1096та сайгоқча ҳисобга олинган, хайвонларнинг энг кўп миқдори Чурук-Белеули участкасида белгиланган. Бизнинг тадқиқотларимиз 2003 йилдан бошлаб сайгоқ ё кўпаймагани (2003-2005 йй.), ё кўпайишининг айрим ҳоллари (2006-2007 йй.) учраганини кўрсатди. 2008 йилда кўзилаш даврида сайгоқнинг сўнгги йиллардаги максимал сони белгиланди.

FFI ёрдамида ўтказилган маҳаллий аҳолини сўроқлаш маълумотларига кўра, 2008 йилда кўзилаш 28 апрелдан 20 майгача бўлган. 5дан 15 гача, максимал 50 урғочидан иборат гуруҳлар кузатилган. Жами 180та урғочи ва 52 сайгоқча кузатилган. Ҳам ёлғиз, ҳам эгиз сайгоқчалар учраган.

Боласининг битта урғочига тўғри келган сони (0,28) урғочилар қисирлигининг катта фоизини кўрсатади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда сайгоқларнинг асосий кўзилаш жойлари Алмамбет табиий чегараси атрофида, сайгоқчаларнинг айрим туғилиш холлари шунингдек Қорақалпоқ п.дан жанубга 30 километрда белгиланган. Бундан ташқари, кўпайиш айрилган группировкаларда Возрождение оролида (А.Нуриджанов, о.х.) ва Орол денгизининг шарқий соҳилида (SN 7-сон М. Косбргенов мак. к.) белгиланган.

Афсус, браконьерлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ, ва кўпайиш даврида овлашнинг асрлаб тақиқланиши улар учун аҳамиятга эга эмас. 2008 й. кўпайиш даврида Жаслик ва Қорақалпоқ пос. сайгоқ гўшти сотилганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эгамиз, гўштининг нарҳи 3 баробар ошадиган Қозоғистонга кетаётган поездларда ҳам чаққон савдо кетмоқда.


Ҳали 1991 йилда сайгоқнинг кўзилаш жойларини кўриқлаш учун, Қорақалпоғистоннинг Кўнгрот туманида жойлашган “Сайгоқли” заказниги тузилган эди. Бироқ, бу кўриқланадиган табиий ҳудуд самарасиз бўлиб чиқди. Жойида ушбу ҚТХ чегаралари белгиланмаган эди (биз томондан фақат битта ярқосиз бўлиб қолган чегара белгиси топилди). Бундай вазиятда расмий шахслар ва маҳаллий аҳоли заказник қаерда жойлашганини тасаввур қилмайди. Амалда бу ҳудуднинг муҳофазаси билан ҳеч ким шуғилланмайди. “Сайгоқли” заказнигининг тарихи заказниклар тузилмай, шундайгина эълон қилинган, олдинги туридаги ҚТХларнинг паст самарадорлигига наъмунавий мисол бўлади. Натижада “Сайгоқли” заказниги асосий кўриқланадиган тури деярли йўқолган, ягона кўриқланадиган ҳудуд бўлиб қолди. Ҳудуднинг катталиги ҳам ёрдам бера олмади. Заказник 1 млн. гектар майдонни эгаллаб, Ўзбекистонда энг катта кўриқланадиган ҳудуд ҳисобланади.

Юқорида баён этилганлар муносабати билан “Сайгоқли” заказнигини қайта ташкил этиш зарур. Бунинг учун юридик шахс мақомини бериш ва бошқарув режасини ишлаб чиқиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Заказник чегараларини шимолга кўчириш зарур, бу сайгоқ учун энг қулай ҳудудларни муҳофаза остига олиш учун имкон яратади. Маҳаллий чорвадорларнинг манфаатини чеқлаб қўймаслик учун, каттик

кўриқланадиган ва чекланган фаолиятли участкаларни участка ажратиш, ҳудуднинг зоналарга ажратилишини ўтказиш зарур. Штат ёллаш ҳамда умуман биохилма-хилликка ва хусусан сайгоққа бўлган хавфни инобатга оладиган ва тегишли бошқарув қарорларни белгилайдиган, бошқариш режасини ишлаб чиқиш зарур. Режа аҳоли ва бошқарув органлари билан ўзаро таъсирнинг маълум шакллари кўзда тутиши керак.

2008 й. апрелдан SCA ташаббуси билан ЎЗР ФА Зоология институти ва FFI заказникни жиддийроқ ҚТХ шаклига қайта ташкил этиш учун асос тайёрлаш бўйича лойиҳа бажараётганини бюллетеннинг олдинги сонида хабар қилган эдик (SN №7 қ.). Лойиҳа Disney Wildlife Foundation ва WildInvest молиявий ёрдамида ўтказилган (расм). Унинг ҳудуди Қорақалпоғистоннинг Кўнгрот ва Мўйноқ туманларида жойлашган. Заказникда жиддий кўриқлаш учун ажратилиши керак бўлган ерлар майдони 6 участкага бўлинган ва 735200 гектарни ташил этади. Буфер зонасининг майдони 345600 гектар. Заказникнинг ғарбий ва шимолий чегаралари Қозоғистон Республикасининг давлат чегараси билан бир-бирини қоплайди. Шарқда чегара Орол денгизининг соҳил чизиги бўйича давлат чегарасидан жанубга, Оқбулок булоғигача ўтади. Жанубий чегараси Белеули қалъасининг вайроналари, Чурук кудуғи ва Жаринқудук табиий чегарасидан ўтади. Таклиф қилинаётган заказник ҳудудига сайгоқ учун муҳим бўлган, “тақиқланган зона” деб аталмиш – собиқ харбий полигон тўлиқ қиради. Сайгоқнинг ўтмишда ялпи кўзилаш жойларининг кўпи кўрсатилган ҳудуд ичида жойлашган. Таклиф қилинаётган ҳудуд аҳоли пунктларидан анча узоқда жойлашган ва апрелдан октябргача бўлган даврда молларни ўтлатиш учун бир оз ишлатилади.

“Қоғозда” мавжуд бўлган ҚТХ территориал муҳофазанинг ҳақиқий актив механизмига айланишда биринчи қадам қўйиб, сайгоқ ва Устюрт платоси ноёб табиий ва маданий-тарихий комплексининг бошқа вақилларини самарали муҳофаза қилиш мақсади билан, Устюртда кўриқланадиган ҳудудлар трансчегара тизимини тузишга асос сола оламиз деб умид қиламиз.



Расм. Режалаштирилган “Сайгоқли” заказнигининг чегара ва зоналари.

- - участкалар чегараси: I- Дуана, II – Жидейли, III – Алмамбет, IV – Чурук, V – Белеули, VI – Жаринқудук
- - буфер зонасининг чегараси

## Қозоғистон жанубидаги Арис-Қарактау қўриқхона зонасида сайғоқ учраши

Алтай Жатканбаев

ҚР ТФВ Зоология институти, [wildlife@nursat.kz](mailto:wildlife@nursat.kz)

404000 гектар майдонли Арис-Қарактау қўриқхона зонаси (ҚР, Жанубий-Қозоғистон обл.) ҳудудида 2004 й. сентябр ойида биз томондан зоологик тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу район Сирдарё д. ўнг соҳилининг чўл участкаларини киритган ҳолда Қизилқум чўлининг қозоқ участкасида жойлашган. Бизнинг мақсадимиз қуш ва туёқлилар йирик турларининг сонини аниқлашдан иборат эди. Автомобил маршрутнинг умумий давомийлиги 800 км яқинни ташкил қилди. Маршрутлар деярли текис яримчўл ерлардан ҳам, баланд бўлмаган қумтепалик, қум массивларидан ҳам ўтган эди. Текширилган ҳудудларда паст бўйли чўл ўсимликлари устулик қиларди. Бундай шароитларда автомаршрут усули йирик умуртқали ҳайвонларни ҳисобга олиш учун самарали ва авиасъёмга олишларга нисбатан арзонроқ бўлиб чиқди.

Биз яхши жисмоний аҳволда бўлган ёши катта урғочи сайғоқни учратдик, бу ҳозирги вақтда бетпақдала популяциясида энг жанубий топилма ҳисобланади. Баирқум ва Оққум посёлкаларидан ғарбга бўлган ҳудуд ҳам илгари сайғоқнинг локал яшаш жойи ҳисобланарди. 1980-чи йй. иккинчи ярмида бу районда чўл сайғоқининг унча катта бўлмаган гуруҳлари озми-кўпми учраб турарди, 2000-чи йй. бошлари баҳор мавсумида эса, бу ерда фақат 1-2 зот учраган.

Кейинчалик бу ерда сайғоқлар учрамаган (Б. М. Губин, о.х.). Бу районда совет даврида яримчўл қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўзлаштирилганди, 2004 йилда эса бу қишлоқ хўжалиги ерларининг фақат озгина қисми ишлатилган.

Ҳисобга олиш вақтида жайронлар (*Gazella subgutturosa*)нинг 38 зотдан иборат бўлган 6 гуруҳи белгиланди. Уларнинг кўп қисми (4 гуруҳда 24 зот) катта кўп йиллик артезиан кудуғи ёнида қузатилган. Жайронларнинг кўп сонли янги излари ва тезағи уларнинг бу ерлардан сувлоқ сифатида мунтазам фойдаланишидан далolat беради. Артезиан кудуқлар Арис-Қарактау қўриқ зонасининг бошқа жойларида ҳам бўлган ва туёқлилар учун доимий сувлоқ жойлари бўлиб хизмат қилган.

Сайғоқнинг Шардара даштидаги яшаш жойи Арис-Қарактау қўриқ зонаси ҳудудига деярли тўдиқ қиради. Бу ерда сайғоқлар кам учраганига қарамай, чўл антилопаси ҳолатининг мониторинги қўриқланадиган ҳудуд учун устувор ҳисобланади. Бу ерда сайғоқ яшаш яшамаслигини тасдиқлаш учун бу регионда зудлик билан ёввойи туёқлиларни текшириш зарур.

## Сайғоқ учётларида иссиқлик авиасъёмкасида фойдаланиш

Черноок В.И.


ГИПРОРИБФЛОТ, [chernook@grf.spb.ru](mailto:chernook@grf.spb.ru), [chernook@mail.ru](mailto:chernook@mail.ru)

Сайғоқ учётлари экологияни ўрганиш ва мониторинг олиб бориш учун жуда муҳим. Ҳисобга олишда қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири, ёввойи ҳайвонларнинг бошқа турлари учун муваффақиятли қўлланилган авиасъёмка усули ҳисобланади.

1997 йилдан бошлаб иссиқлик авиасъёмка тюлень, морж ва шимол бугуларини ҳисобга олишда биз томондан муваффақиятли қўлланилади. Инфрақизил аппаратури қўллаш имкониятлари ва самардорлиги, иссиқ конли ҳайвонлар билан атрофдаги фон орасидаги иссиқлик фарқи уларни тепловизор аппаратура ёрдамида 150-200 м баландликдан топиш учун етарли бўлиши билан шартланади. Иссиқлик съёмкаси кенг кўриш полосасида (400 м яқин) катта имконият билан олиб борилади, бу ҳайвонлар сонини катта аниқлик билан баҳолашга имкон беради.



Тюленлар планадиган жойининг (қизил доираларда – белёқлар).  
В. Черноок сурати



Тюленлар тўпланган жойининг иссиқлик тасвири.

Иссиқлик, фото- ва видеотасвирларни рақамли кўринишда рўйхатдан ўтказиш, уларга компьютер ишлови бериш, ҳайвонларни топиш ва аниқлашнинг автоматлаштирилган алгоритмларини амалга ошириш ва уларнинг сонини ҳисоб-китоб қилишга имкон беради. Авиасъёмка материалларининг ҳужжатлаштирилиши ҳайвонларни ҳисобга олишнинг аниқлигини баҳолаш ва назорат қилиш учун, съёмканинг битта участкасини кўп маротаба кўришга имкон беради. Микрофонлар ёрдамида компьютерга визуал кузатувларнинг оғзаки маълумотлари ёзиб олинади, бу съёмка натижаларини олдинги визуал ҳисобга олишлар билан қиёслашга имкон беради. Компьютерга учиш координата ва параметрлари (йўлдошли навигация тизимидан) ҳамда учиш баландлиги автомат ҳолда киритилади.

Бу авиасъёмка материалларини географик координаталарга “боғлайди” ва текширилган майдоннинг катталигини аниқлашга имкон беради.

Иссиқлик тасвирлари ҳайвонлар сони бўйича маълумотнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Сайгоқлар тўдаларининг сурат ва видеосъёмкалари иссиқлик тасвирлари идентификациясининг ишончилигини исбот этишга имкон беради. Келтирилган суратларда, Оқ денгизда авиа ҳисобга олиш вақтида олинган, гренланд тюленларининг иссиқлик тасвири, ва уларнинг рақамли расмлари кўрсатилган. Бундай сифатли иссиқлик тасвирлари ва расмлар сайгоқ авиасъёмкасида олинади. Сайгоқлар расмлари ва иссиқлик тасвирларининг тегишли участкаларида ҳисобга олиниши инструментал ҳисобга олиш аниқлигини баҳолашга имкон

беради. Сайгоқлар авиаучётини, ҳайвонларнинг инструментал съёмкаси учун биз томондан махсус жиҳозланган, Л-410 самолёт-лаборатория бортидан ўтказиш мумкин. Бу кичкина кам шовқинли самолёт, 7 соат учиб давомийлигида, 200-240 км/с тезлик билан учди.

Ёввойи ҳайвонларнинг катта тўдаларини визуал ҳисобга олиб бўлмайди. Визуал ҳисобга олишларда кўриш полосаси катта ҳатолик билан аниқланади, шунингдек визуал кузатувларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар қолмайди. Шунинг учун инструментал авиасъёмкалар, содир бўлаётган ўзгаришларни таҳлил қилишга имкон берадиган, ҳайвонлар сонини ҳисобга олишнинг энг аниқ усули бўлади. Фақат мунтазам инструментал авиаучётларни ташкил этиш асосида бунга имкон бор.

## “Яшкульский” питомнигида энергиянинг альтернатив манбалари

Вадим Санжеев

Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, [kalmsaiga@mail.ru](mailto:kalmsaiga@mail.ru)

Қалмоғистон Республикасида “Яшкульский” питомнигининг ривожланиши, унинг ютуқлари ва қийинчиликлари ҳақида *Saiga News*да бир неча бор ёзилганди. Ушбу хабарда маблағ дефицити, энг асосий ва қиммат хизмат – электр энергияси тарифларининг мунтазам ошиш шароитларида питомник қандай яшаётгани тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Қалмоғистон Республикаси қуёшли ва шамолли кунларнинг кўплиги билан характерланади, бу энергиянинг альтернатив манбалари – қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишга имкон яратади.

Беш йил аввал питомникда шамол энергиясини электр энергиясига айлантирадиган, 4 кВт қувватли қурилма пайдо бўлди. Ишлаб чиқарилган энергия питомник ходимларининг яшайдиган уйини ва меҳмонлар отсекени иситишга ҳамда ташқарини ёритишга етади. Бироқ, “шамол тегирмоннинг” битта аҳамиятли камчилиги бор – унинг аккумулятори йўқ. Шу камчилик туфайли шамолсиз кунларда қурилмадан фойдаланиб бўлмайди.

2008 й. бошида питомник учун иккита қуёш батареяси сотиб олинди ва уйнинг томида ўрнатилди. Энергия аккумуляторда йиғилади, кейин эса электр жиҳозларни ишлатишда фойдаланилади. Мавжуд бўлган батареяларнинг қуввати компьютер, музлатгич, телевизор, кондиционерлар ишлаши ва ташқарини ёритиш учун етарли.

Умуман олганда, бундай қурилмалар қулай ва тежамли – электр энергия учун тўловлар анча қисқарди, қуёш батареяларини сотиб олишга кетган харажатлар яқин орада тўлиқ қопланади.



“Яшкульский” питомнигида қуёш батареяси (юқорида).  
В. Санжеев сурати

“Яшкульский” питомнигида “шамол тегирмони” (чапда).  
Ю. Арилов сурати

### Таҳририятдан:

2003 й. қуёш энергиясидан фойдаланишнинг тарафдори Стивен Голд Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тизимнинг (WCN) Сан-Францискода ўтган ҳар йилги кўргазмада бўлди. Бу ерда у Ботсванада тадқиқотлар ўтказиш учун электр энергиясига муҳтожлигини сўзлаб берган Ребекка Клейнни учратди. Ўз қўли билан ясаган “қуёшли уй”и бор Голд WCN директори Чарльз Ноуз билан боғланди ва волонтер сифатида ўз ёрдамини таклиф қилди. Янги қуёш батареяларини ўрнатиш бўйича эҳтиёжлар рўйхатини тузиш, корпорация ва алоҳида инсонлардан мўл эҳсон олиш учун уч йиллик тинимсиз ишдан кейин, Голд қуёш батареяларини сотиб олиш учун 450 минг долларга яқин маблағ йиғди.



Ҳозирги кунда Кения ва Эфиопияда 8та турли тизимлар тинимсиз ишляпти, яна иккитаси Ботсвана ва Зимбабведа йирилган. Лойиҳа бошқа ҳамкорлар ва дунёнинг бошқа қисмларига тарқалмоқда. Бу йил WCN қуёши батареяларини ўрнатилганини ташиқлаштириш учун биринчи ҳамкор сифатида SCA аниқлади. Агар сизнинг лойиҳангиз ҳозирги вақтда SCA қўшилмаган бўлиб, сайгоқ ёки сайгоқнинг яшаш жойларида табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятингиз учун қуёши батареяларига муҳтож бўлсангиз, молиявий ёрдамга ҳаққингиз бор!

Агарда сизнинг лойиҳангиз қуёши батареялари бўйича WCN лойиҳасидан фойда олади деб ҳисобласангиз, илтимос, бизнинг [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com) электрон манзилимизга қуёши батареяларининг энергияси нимага ишлатилишини (ҳар қуни ишлатиладигандан ташқари барчасини киритиши керак) киритган холда, эҳтиёжлар рўйхатини юборинг.

## Лойиҳалар шарҳи

### Сайгоқни сақлаш бўйича Альянсини 2008 кичик грантлар дастурининг ғолиблари аниқланди!



2008 йилда сайгоқни сақлаш бўйича Альянс Кичик грантлар дастури (КГД)нинг иккинчи раунди бўлиб ўтди. Дастур 2007 й. Бошланиб, SCA вебсайтида ёритилган, ажойиб натижалар кўрсатди. КГД вазифаси сайгоқнинг яшаш жойларида ишлайдиган инсонларга сайгоқни ёввойи табиатда сақлаш бўйича бир йиллик лойиҳага 2000гача АКШ доллари грантини олиш учун талабнома беришга имкон бериш. Лойиҳалар сайгоқни сақлаш бўйича CMS ўртамуддатли ишчи дастурининг бажарилганига хисса қўшиши керак.

Бу йил КГД доирасида 5 давлатдан 18 талабнома олинди. Дастур яна (WCN) Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармокнинг молиявий кўмагида ўтди. SCA Бошқармаси Алматида ҳар йилги йиғилишида талабномаларни кўриб чиқди ва бу йилги танлов ғолибларини қувонч билан эълон қилади:

1. Александр Грачев (Қозоғистон), сайгоқ ўрол популяциясининг популяцион тизими ва кўпайиш хусусиятлари бўйича илмий-тадқиқот иш олиб боради. Бу жуда муҳим иш, чунки ҳозирги вақтда бу популяциянинг ҳолати бўйича маълумотлар етарлича эмас.

2. Максет Косбергенов (Ўзбекистон). Грант, браконьерлик сайгоқнинг устурут популяцияси тикланишига тўсқинлик

қилаётган асосий хавф бўлган Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида, браконьерликка қарши курашишда муҳим ишни бажарётган Махсус Амударё инспекциясининг моддий-техник базасини кучайтиришга ёрдам беради.

3. Татьяна Каримова (Россия). Ноинвазив усул – фитолитлар анализини қўллаш билан сайгоқнинг озикланишини ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказди. Бу жуда муҳим, чунки ареалнинг Россия қисмида катта микёсда чўлланиш кетмоқда, ва доминант бўлиб қолаётган бошокли ўсимликларни сайгоқ емайди деган хавотирлик бор. Демак, популяциянинг тикланиш потенциалини максималлаштириш учун, яйловлар бошқарувига ўзгаришлар киритиш керак бўлади.

SCA 2009 йилда КГДни молиялаштириш учун маблағ қидирмоқда. Агар Сиз ёки танишларингиз ҳомий сифатида чиқмоқчи, ёки кейинги йилнинг талабномалар танлови бўйича маълумот олмақчи бўлсангиз, илтимос, биз билан [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com) манзил бўйича боғланинг. Қўшимча маълумотни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) сайтида олишингиз мумкин.



Мўғул сайгоғининг урғочиси.  
Б. Бувейбатара сурати

## Янги нашрлар

*Н.Ю.Арилова.* Қалмиқ республикасида сони камлиги шароитида сайгоқ (*Saiga tatarica tatarica* L.) репродукциясининг хусусиятлари. // Поволжье экологик ойномаси. 2008. № 2. 136 – 141 Б.

Адабиётдан олинган маълумотлар ва ўз кузатувларига кўра, сайгоқ сонининг камлиги (20 минг бош. кам) шароитида Европа популяциясининг репродуктив кўрсаткичлари ўрганилган. Бунда, яшаш шароитларининг ёмонлашиши, демографик тизимнинг бузилиши ва сонининг кескин камайишига қарамай, кўп жихатдан янги туғилган сайгоқчаларнинг кейинги ривожланиши ва ҳаёти боғлиқ бўлган массаси ушбу популяция сонининг максимумига етган (800 минг бош. ортик), ўтган асрнинг 50-чи йй. охиридаги кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмаслиги кўрсатилган.

*Л.Н.Бушман, Е.П.Варганова, Р.А.Темрағли, О.К.Шаймуханбетов.* Жонажон ўлка мўжизаси. Ўқувчилар учун ўқув қўлланма. Я. Диркс, М.Г. Жиркова, Е.А. Бикова, А.В. Есипов таҳр. ост. Тошкент, 2008. 35 б.

Мақтаб ўқувчилари учун қорақалпоқ тилида сайгоқ бўйича “Жонажон ўлка мўжизаси” ўқув қўлланмаси нашр этилди. Китоб 5 минг нусхада чиқарилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги томонидан тасдиқланди. Амалда бу 2006



й. Қозоғистонда козок ва рус тилларида чиқарилган сайгоқ бўйича “Қозоғистон чўллари мўжизаси” ўша-ўша муаллифлар китобининг Қорақалпоғистон шароитларига мослаштирилган янги нашри. Нашр Сайгоқни сақлаш бўйича альянснинг ўзбек филиали томонидан NABU BAG “Eurasia” ва FFI молиявий ёрдамида тайёрланди. Ҳозирги вақтда китоб Қорақалпоғистон ўқувчилари ва биринчи навбатда Устюрт платосида республиканинг Қўнғрот туманида яшовчи болалар орасида тарқатилишга тайёр. У болаларга янги билим олишга, сайгоқ ҳақида чўл табиий комплексининг ажралмас қисми сифатида ва бу ноёб турни қандай қилиб сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурини шакллантиришга ёрдам беради.

*А.В.Есипов, Е.А.Бикова, Е.А.Черногаев.* “Сайгоқли” заказнигини қайта ташкил этиш зарурлиги тўғрисида // Ўзбекистоннинг кўрикланадиган табиий ҳудудларида биохилма-хиллиқни сақлаш муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. Нукус, 2008. 39-42 Б. (Ушбу мақоланинг мазмуни бўйича кўпроқ маълумот олиш учун 13-14 бетдаги мақолани қаранг).

*Б.Д.Абатуров, К.О.Ларионов, Р.Р.Джапова, М.П.Колесников.* Қалмоғистон Чёрние землида ўсимликнинг тикланиш учун алмашиш шароитида ем-хашак миқдори ва сайгоқнинг (*Saiga tatarica*) озиқа билан таъминланганлиги. // Зоологик ойнома, 2008, 87 т., 12-сон. 1524-1530 Б.

Қалмоғистон, “Чёрние земли” кўриқхонасида сайгоқларнинг замонавий озикланишида органик масса таркибида кремнезем ва лигнин юқори даражада бўлган бир паллали ўсимликлар (бошоқлилар ва қиёқлар) устунлик қилади. Шунинг учун сайгоқ емида кремний ва лигнин миқдори, баъзи йилларда 1,42 ва 18,48%га етиб, мос равишда 1,33 ва 17,8%дан йил давомида тушмайди. Таркибда бу бирикмаларнинг юқори даражаси ем ҳазм бўлишининг пасайиши билан кечади (ҳазм бўлиш коэффициенти 56-60%дан ошмайди). Емнинг бундай сифати сайгоқнинг тўлиқ озикланишини таъминламайди. Репродуктив сарф (лактация, ёш сайгоқларнинг ўсиши) юқорирок ҳазм қилинишни талаб этади. Яйлов ўсимликларининг замонавий ҳолати тур учун ноқулай ва қалмиқ сайгоқ популяциясининг турғун динамикасини таъминламайди.

*К.О.Ларионов, Р.Р.Джапова, С.Л.Розенфельд, Б.Д.Абатуров* Қалмоғистон Чёрние земли яйловларида ўсимликнинг тикланиш учун алмашиши ва сўна босиш шароитида сайгоқларнинг (*Saiga tatarica*) озикланиши. //Зоологик ойнома, 2008, 87 т., 10-сон. 1259-1269 Б.

Сайгоқ истеъмол қиладиган ўсимликлар таркиби Қалмоғистонда Чёрние земли кўриқхонасида йил давомида ўрганиб чиқилди. Кутикуляр-копрологик усул ёрдамида 96 жонивор рационни анализ қилинди. Ҳозирги вақтда Чёрние землида сайгоқнинг яшаш жойларида ковулнинг мутлақ доминантлиги (80%) билан бир паллали ўсимликлар (бошоқлилар ва қиёқлар) устунлик қилади. Сайгоқлар афзалроқ кўрадиган икки паллали ўсимликлар (ксерофил яримбуталар, пичанбор ўтлар) бўйсундирилган ҳолатда (10%). Сайгоқ рационинида бир паллали ўсимликлар устунлик қилади, рационда уларнинг миқдори, мавсумдан қатъий назар 56% ташкил этади. Яйловлар ўсимлик қопламида асосий озиқа ўсимликлар захирасининг кўп бўлмаганлиги уларнинг сайгоқ рационинида камлиги ёки умуман йўқлигига сабаб бўлади. Қиш даврида сайгоқларнинг ўтлови, кузда ва иссиқ кишлар вақтида ўт босиб кетадиган ўт кетган ўрмон қолдиқларига боғлиқ.

*А.Дж.МакКонвилл, Ю.А.Грачев, А.Киан, Т.Коулсон, А.Б.Бекенов, Э.Дж.Милнер-Гулланд.* Кескин йўқ бўлиш арафасида турган турларни аниқлаш эҳтимоли ўзгаришини тўғрилаш учун кузатиш жараёнини қайта тиклаш. *Endangered Species Research* 6, 2008. 231-237 Б.

Қарорларнинг самарали қабул қилиниши популяцион трендларнинг ишончли баҳоси бўлишини талаб этади. Кўпинча мониторинг усуллари узоқ вақт ичида қўлланилади, ва шунинг учун нисбий мўллик трендлари ҳақиқий суратни акс эттиради деб тахмин қилинади. Бирок, агар нисбий мўлликни баҳолаш оғиш ва ноаниқлиги вақт ичида ўзгарса, бу мониторинг бўйича дастурлар валидлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Биз авиаучётлар маълумотлари бўйича сайгоқ мўллигини баҳолашда эҳтимол бўлган хато ва оғишни ретроспектив баҳолаш учун модел ишлаб чиқдик. Подалар зичлиги ва катталигининг кескин қисқарилишидан мўлликнинг замонавий баҳолаши амалдаги популяцион катталигига нисбатан, эҳтимол, анча паст, бу баҳолашлар ноаниқлигининг даражаси эса уларнинг мониторинг трендлари учун ишлатилишини йўққа чиқаради. Бу табиатни муҳофаза қилиш вазибаларининг бажарилиш тараққийини кузатиш борасида Қозоғистон Ҳукумати учун аҳамиятга эга. Усул нисбий мўллиги ва гуруҳ катталиги бўйича тарихий маълумотлари бўлган турлар учун кенг қўлланилиши мумкин. Мақоланинг

## Бизнинг институционал аъзоларимиз

Saiga Newsning шу сонидан бошлаб ҳар бир кейинги сонда биз ташиқлотларини намоиш этиши ва сайгоққа нисбатан қизиқишларини таъминлаши учун SCA институционал аъзоларини тақриф қиламиз. Бу сонда биз CIC Wildlife – SCA энг биринчи институционал аъзоси билан таништирамиз.

Агар сизнинг ташиқлотингиз SCA аъзоси бўлишни хоҳласа, марҳамат, [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com) га расмий талаб юборинг. Сизда ўзингизни Saiga News да намоиш этиши имкони бўлади, шунингдек сиз бизнинг вебсайтда бет очиб, янгиликларни бизнинг вебсайтда ва шу бюллетенда жойлаштириши имконига эга бўласиз.

### Овчилик турлари ва ёввойи табиатни сақлаш бўйича Халқаро Кенгаш - International Council for Game and Wildlife Conservation (CIC)



1900 йилдаги марказий Европа ғоясидан туғилиб, Овчилик турлари ва ёввойи табиатни сақлаш бўйича Халқаро Кенгаш (CIC) 1928 й. Палариково ш. (Словакия)да ташкил этилди. Шундан буён у ёввойи табиатни сақлаш ва ундан турғун фойдаланиш бўйича ноёб Кенгаш сифатида кенг танилди.

CIC сиёсий мустақил консултатив орган бўлиб, Австрия ҳукумати томонидан жамият манфаатларини кўзлаб ишловчи халқаро нодавлат ва ноижорат ташкилоти сифатида тан олинади. 2003 йилдан CIC расмий равишда Венада жойлашган.

Аъзолик ташкилоти бўлган ҳолда, CIC бир жойда давлат структура ва ташкилотлари, ИИЧБ ва ассоциациялари, университет ва институтларни бирлаштириши билан ноёбдир. Жами CIC да 84 мамлакат намоиш этилган, бунда расмий аъзолар орасида 32та мамлакат ҳукумати ҳам бор. CIC маъмурий офиси Будапештда бўлиб, аъзоларни тўплаб ҳаракат қилиш имконини берувчи комиссия структурасига эга.

Турли битим ва конвенцияларга кўра, CICга Ҳукуматлараро ташкилот (МПО) мақоми берилган. 2004 й. CIC сайгоқ бўйича CMS ҳамжихатлик ҳақида Меморандумга имзо чекди, 007 й. эса CIC SCA институционал аъзоси бўлди. Институционал аъзо сифатида CIC ўз каналлари, алоқалари, таъсири ва консултатив имкониятларидан CMS ва SCAга ўта муҳим тур – сайгоқнинг аҳволини яхшилаш учун курашишга ёрдам бериш учун фойдаланади.

## Эълонлар

### XXIX Биолог-овшунослар Халқаро конгресси Москвада бўлади



2009 йил 17 дан 22 августгача Москвада, Россия овшунослар дунё бирлашмасининг энг йирик форуми - XXIX Биолог-овшунослар Халқаро конгресси (IUGB) бўлади. 50 йилдан ортиқ вақт давомида ҳар 2 йилда турли мамлакатларда IUGB ўтказилади. XXIX Конгресснинг асосий мақсади – бутун дунёдан йирик олимларни биологик ресурслардан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланиш билан боғлиқ илмий муаммоларни ечишга жалб қилиш, биологик ресурсларни бошқаришнинг энг янги усуллари билан таништириш. XXIX Халқаро конгресс

IUGB доирасида турли мавзулар бўйича 18 секция иши режалаштирилган. Умумий “Овчилик хўжалиги – ҳайвонот оламини сақлашнинг муҳим асбобларидан бири” мавзуси билан бирлаштирилган ялпи мажлис, махсус сессия ва симпозиумлар ўтказилади.

“Сайгоқни сақлаш масаласида халқаро ҳамкорлик” бу йилги конгресснинг махсус мавзуси бўлгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс конгресс ишида қатнашишдан умид қилади, ва ҳозирги вақтда бошқарма аъзолари учун молиялаштириш манбасини изламоқда. Биз конгресс доирасида ҳар йилги SCA йигилишини ўтказишни режалаштиряпмиз. Шунинг учун, марҳамат, бу санани ўз кундаликларида белгиланг! Конгресс ҳақида [www.iugb-moscow2009.ru](http://www.iugb-moscow2009.ru) сайтда батафсил маълумот олиб, рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

### Джон Гиббс хотирасига

2008 й. охирида Сайгоқни сақлаш Альянси биринчи ва доимий донорларимиздан бири бўлган Джон Гиббс ўлими ҳақида мудҳиш хабар олди. Унинг сайгоқни ва умуман ёввойи табиатни сақлаш ишига содиқлиги унинг жуда зўр иштиёқи ва турли табиатни сақлаш ташкилотларига (жумладан бизнинг институционал аъзомиз ва FFI ҳомийимиз) мансублигида намоён бўларди. Биз бу учун унга жуда миннатдоримиз ва уни доимо хотирамизда сақлаб қоламиз.

### Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс сўнги 6 ой давомида фаолиятимизни турли усуллар билан қўллаб-қувватлаган инсонларга чин дилдан миннатдорчилик билдираемиз: Мэги Брайнт, Винс Мартин ва Ёввойи табиат Фондига, Джуду Ветли, Кеннон ва Боб Хадсонларга, Мишель Хакетт, Энн Мэри Бургуин ва Бред Робертсга, Глория ва Кент Маршалларга, Марджори Паркер, Майкл Бромберг, Ким ва Кевин Никейнларга, Джойс Монтофорт, Хелен Галанд ва Дженни Беттенсетга (Spitalfields City Farm), Софи Арлов, Христиан Вензелга ([www.saiga.de](http://www.saiga.de)), Стэси Айверсон, Ив Шаффер ва WCN Экспонинг барча ходим ва волонтерларига, Лаура Сиразига (CMS, Италия Атроф муҳит Вазирлиги) ҳамда сайгоқни қўллаб-қувватлаган CMS COP9 иштирокчилари ва Александра Санмейстерга. Шунингдек биз шу сон чиқишига ёрдам берган – FZS, CMS, WCN и WWF-Монголия ташкилотларга миннатдоримиз.



# Сайгоқни сақлаш бўйича ХМ бажарилиши тўғрисида СА

## CMS Сайгоқни сақлаш бўйича ХМ бажарилиши бўйича 2006 й. сентябрдан 2008 й. октябргача ҳисобот

2008 й. 29 октябрда CMS молиявий кўмагида Алмати ш. СА йиғилиши бўлди (X бетдаги мақолага қар.). Йиғилиш барча учун очиқ бўлиб, сўнги икки йилда (2006 й. сентябрдан 2008 й. октябргача) ўрта муддатли халқаро ишчи дастур (ЎХИД) бажарилиши бўйича эришилган ютуқларга яқун яшаи вазифасини ўз олдига қўйди. Қўйида бу шарҳнинг асосий томонлари намоиши этилган. Тўлиқ матни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да.

### Сайгоқнинг яшаш ареали чегараларидаги чоралар

1. *Бажарилиши:* ХМ самарали бажарилиши бўйича айрим чоралар кўрилди, бироқ мамлакатлар орасида фарқ мавжуд. Россия ХМ имзолаши кутилаётган бўлса ҳам, ҳалигача уни имзоламади. Ўзаро ҳамкорлик умуман яхши йўлга қўйилган. Тараққиётни янада оширишга халқаро мувофиқлаштирувчи механизм тузиш жуда катта ёрдам берарди. Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциацияси бу масъулиятни ўз бўйига олиши мумкинлиги тўғрисида таклиф айтилди, биз бунга астойдил қўлаймиз.

2. *Браконьерлик билан курашиш:* Барча мамлакатларда браконьерлик билан кураш олиб борилган бўлса ҳам, тараққиёт тенг қимматли бўлмай, кўп жихатдан мувофиқлаштирилмаган бўлиб қолмоқда, молиялаштириш эса ҳали ҳам етарли эмас. Стратегик масалаларни бажаришга имкон берадиган специфик муаммоларни ечиш учун тўлиқ ёки алоҳида областлар чегарасида браконьерлик билан курашиш бўйича режа ишлаб чиққан бирорта ҳам мамлакат йўқ. Браконьерлик ҳозиргача тур учун асосий хавф бўлиб қолади, шунинг учун зудлик билан кейинги ҳаракатларни кучайтириш керак.

3. *Турғун фойдаланиш ва савдо:* Бу банд бўйича жуда кичик тараққиёт кузатилди, ва зудлик билан бу йўналишдаги иш даражасининг етарли эмаслигига эътибор бериш зарур.

4. *Инсон фактори:* инсоннинг сайгоққа бўлган муносабатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилди. Алтернатив сарф манбаларини ривожлантириш ва одамларни жалб қилиш бўйича кичик бюджетли дастурлар синаб кўрилди, бироқ улар илк босқичда. Маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда йирик масштабли ва жиддий лойиҳа ривожлантириш талаб қилинади. Фақат шу тарзда ёндашилган ҳолда, бу браконьерлик даражасига таъсир кўрсатади. Табиий яйловлардан миллий даражада турғун фойдаланиш учун режалаштириш ўтказиш ҳамда жойларда масъул шахсларни фаол жалб этиш талаб қилинади.

5. *Тарғибот ва тушунириш:* Сўнги икки йил давомида аҳоли билан катта иш ўтказилди. Бу банд бўйича кўп муваффақиятларга эришилди.

6. *Тарқалишини хариталаш:* Бирон бир аниқ натижалар бўлмаса ҳам, бироқ бу банд бўйича кейинги CMS ХМ йиғилишигача ўз натижаларини берадиган иш бошланди.

7. *Муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари:* Айрим тараққиётга эришилди, айниқса сайгоқ яшайдиган районларда Бетпақдала ва Мўғулистонда. Бу ерда кейин ҳам ҳаракат қилиш керак, бироқ, ташкил қилинадиган муҳофаза қилинадиган ҳудудлар самарали бўлиши учун, тегишли илмий иш олиб бориш зарур (6-банд). Мос равишда, бу йўналишда шундай эҳтиёткорлик билан ҳаракатланиш керакки, барча қабул қилинадиган қарорлар илмий асосланган бўлсин.

8. *Мониторинг:* Мониторинг бўйича дастурлар давом этмоқда, айрим янги ёндашишлар қўлланди (масалан, жамоа мониторинги). Бироқ ҳозиргача энг замонавий усулларни қўллаган ҳолда ҳар қандай популяциянинг ишончли ҳисобга олиниши ўтказилмаяпти. Ҳозир биз сайгоқ мониторингига замонавий ёндашишлар тўғрисида анча кўп биламиз, бироқ уларни доимий мувофиқлаштирилган мониторинг дастурига бирлаштириш учун биз олдинга ҳаракат қилишимиз зарур. Бу айниқса муҳим, чунки ЎХИД асосий мақсадининг бажарилиш даражасини баҳолаш аниқ мониторинг дастурини ривожлантириш бўйича талабни ўз ичига олади.

9. *Тутқунликда кўпайтириш:* Бу вақт ичида содир бўлган бирон бир муҳим ютуқлар бўлмади. Қалмоғистондаги Ёввойи хайвонлар маркази яхши ривожланипти, Мўғулистон учун эса бу масаланинг бажарилиши баҳоланди.

### Аниқ популяцияларга тегишли чоралар

10. *Шимол-Ғарбий Каспий олдига сайгоқ популяцияси:* Кўплаб таъсирли табиат муҳофазаси тадбирлари ўтказилаяпти, бироқ тараққиётга сиёсий ҳамда маъмурий ностабиллик ва давлат томонидан жорий йирик масштабли молиявий кўмак йўқлиги тўсқинлик қилипти; ҳаракатлар қисқа муддатли лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига бажариляпти.

11. *Урал популяцияси:* Бу популяция ҳалигача нисбатан эътибор етишмаслигидан жабрланипти. Бу популяция бўйича махсус лойиҳалар мавжуд эмас, популяция мақоми тўғрисида, айниқса унга антропоген омиллар таъсири тўғрисида маълумот жуда кам. Маълум даражада популяция стабиллиги тўғрисида далолат берувчи илмий мониторинг ўтказилаяпти. Давлат томонидан молиялаштирилаётган браконьерликка қарши кураш олиб бориляпти. Бироқ, бу областда кўриқлаш чораларини ташкиллаштириш устувор ҳаракат ҳисобланади.

12. *Устюрт популяцияси:* Бу популяция ҳалигача давом этаётган ва, эҳтимол, популяция қисқаришига олиб келаётган браконьерликнинг юқори даражаси туфайли катта эътиборга эга (бу сонининг қисқариши кузатилаётган ягона популяция). Популяция аҳоли тўғрисидаги билимлар етарли эмас (айниқса ҳаракатланиш экологияси бўйича). Ҳозирги вақтда ареалнинг Қозоғистон қисмидаги одамлар билан ишлашга йўналтирилган лойиҳалар ўтказилмаяпти. Ўзбекистонда кўп кўриқлаш ҳаракатлари амалга ошириляпти, уларнинг кўпи аҳоли билан ишлашга қаратилган, бироқ етарли даражада кўриқлашни ташкил қилиш учун маблағ етишмаяпти. Бу популяция зудлик билан аралаштириш учун биринчи навбатда турибди.

13. *Бетпақдала популяцияси:* Сўнги бир неча йилда бу популяцияни кўриқлашга давлат, халқаро ва миллий ИИЧБ томонидан катта маблағ ажратилаяпти. Популяция аҳолининг яхшиланишига қараганда, бу қўшилган ҳисса ўзини оқлаяпти (мониторинг олиб борилишининг яхшиланишига бунга аниқ ўрнатиб бўлмасамиз).

14. *Мўғулистон популяцияси:* Бу популяция ҳам халқаро ва миллий ИИЧБ томонидан катта маблағ оляпти, шунинг учун ҳозирги вақтда унинг ривожланиш истиқболи мақомининг сўнги баҳоланиши вақтидагига нисбатан анча яхши. Афтидан, Мўғулистонда тутқунликда кўпайтириш устувор масалаларга кирмаган, бунинг ўрнига эса табиатдаги фаолиятни молиялаштиришни ошириш афзал кўрилган (in situ). Бу қарорнинг расмий шарҳини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки бу ҳолда зарур бўлса ЎХИД тегишли бандларининг устуворлигини пайсатириш мумкин.